БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 22 март
Пайшанба
№ 56 (13.492).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўлкамизда Наврўз тантаналари давом этмоқда

Дилларни тарк этма, баҳор!

Бугун борлиқнинг ўзгачалигидан лол бўлманг. Янги кунга қадам қўйдик, ахир! Алвон ранглар билан зангори матоларга битилган байтлар, мақолу-маталлар Наврўзга аталган. Сумалак улашаётган аёлнинг табассуми — Наврўзга бахшида.

Анув жажжи қизалоқлар қўлларидан ушлаб олган ота-онасининг енгидан тортиб, кичкина кўзларини пирпиратганча аллақандай куйга қулоқ тутишларини сўрашаяпти.

Биз ҳам ўша куй — ота-боболаримизнинг тўй-ю томошаларига халқни чорлайдиган — карнай, сурнай ноғора овози келаётган томон юрамиз.

Бу овоз шундоққина Инқилоб хиёбонининг биқинида жойлашган автомобиль транспорти ва йўллар институти ҳовлисидан эшитилаётган экан.

Катта дарвоза тўйхонаникидай қилиб очилган. Зар тўн, беқасам тўн кийиб олган йигитлар, эгнида атлас кўйлаклари товланаётган қизлар даврасига яқинроқ борамиз. Ҳақиқатан, бу ерда тўй бўлаётган эди. Одамларни бу даражада мафтун этган куй — ёр-ёр экан.

Миллий либосдаги икки келин-куёв дўстлари, дугоналари даврасида. Ўртада гулхан ловуллайди.

— Халқимизнинг йўқолиб бораётган урф-одатларини тиклаш ўзлигини билган ҳар бир инсоннинг бурчи. Шу сабаб, қутлуғ айём, қутлуғ кун баҳона биз озгина бўлсада, ёшларга ўзлигимизни танитишга ҳаракат қилмоқдамиз. Мана бу келин-куёвга қаранг... Ҳозир қайси куёв беқасам тўн кияди-ю, қай бир келин паранжи ёпинади. Паранжи — бу ҳаё белгиси, дейишади бувиларимиз. Шунинг учун тўйларда келин-куёв мана шундай либосда бўлсалар, удумларимиз янада мустаҳкамланган бўларди.

Автотранспорт факультети ўқитувчиси, айём ташкилотчиларидан бири Зуҳра Ҳолматова шундай дея тўлқинланиб гапирди. Наврўз сайлига келган меҳмонларни кутиш, «Келин салом»да сарполар улашиш (совғалар) Зуҳра опанинг зиммасида экан. Опа шошганча «Келинг-келинг, олинг-олинг»га тушиб кетди.

Бир томонда карнай-сурнай авжида, бир ёнда ёр-ёр. Ошпазларнинг қўли-қўлига тегмайди. Катта қозонда ош дамланаяпти Турли хил таомлар тортилган столлар устини кўкдан тайёрланган — сомсалар, чучвара-ю сумалаклар янада безаб турибди Янги кун, тўкинчилик, ўйин-кулги билан бошланди. Бунинг хосияти яхши.

— Бу йил Наврўзимиз ҳар йилгидан ўзгача тароват билан ўтмоқда, — дейди факультет комсомол-ёшлари етакчиси Анвар Шомансуров. — Чунки ёшу қари бу айёмни сидқидилдан, бирдек нишонламоқда. Айёмимиз мумкин қадар завқли ўтсин, деб лотерея ўйинлари, байрам иштирокчиларининг энг активларига совғалар — кийимлиқ атлас, беқасам, тўн, гулдор палаклар ҳозирладик. Кўриб турибсиз, полвонлар ҳозир беллашувни бошлашади.

Бу ишларнинг ҳаммасида деканат, ўқитувчилар жамоаси ва талабаларимиз бош-қош бўлишмоқда.

Дарҳақиқат, ўқитувчи ва талабаларнинг ҳиссаси билан файзли ўтаётган бу Янги кун айёми ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳеч бирини бефарқ қолдирмаяпти.

Бугун боболар руҳи шод бўлмоқда. Шоир бобомиз айтганидай, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин. Ўлкамизда баҳор мангу қолсин, яшариш, яшнатиш ишқи ҳеч бир дилни тарк этмасин.

Ой САРА.

Жайхун соҳилида Наврўз

ЖУМҲУРИЯТ ЁШЛАРИНИНГ НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ ХОРАЗМДА ЎТМОҚДА

(«Комсомольская правда» мухбири М. АЛИМОВ ва ўз мухбиримиз Р. ҲАСАНОВ телефон орқали хабар қиладилар).

Хоразмликлар сўнгги йилларда бу қадар катта шодиёнани кўрмаган. Ахир қадимий байрамимиз яна элимизга ташриф буюрди. Бир ҳафтаки Амунинг қўш қирғоғидаги эл-элатларда Наврўз нафаси кезмоқда.

Бобо Наврўз! Қадаминг қутлуғ! Тазйиқлар, чеклашлар, алдовлар билан сал бўлмаса сенинг рухсорингдан айри тушай дегандик. Шукр, қайта қуришга шукр!

Шарқона янги йил кириши билан қутлаган табрик сўзларини арабий имлода ўқигач, боболарнинг оппоқ соқолларига ёш томганини кўрдик. Момолар асрлардан асраб ўтган ўлмас анъаналаримизни яхши кунга сақлаб келган, миллий ўзлигимизни яна сумалак сайлида қалбимизга жо этишди. «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...»

Қадим Хоразм элининг ҳар бир хонадонида шодиёна. Қозонларда сумалак қайнайди, паловлар дамланмоқда, дастурхонларда баҳор неъматлари. Куй, қўшиқ, лапарлар...

Бобо Наврўз ва Баҳорой ҳар хонадонга ташриф буюриши, эл-юртга тўкинлик, тинчлик, омонлик, тилайдилар. Айтганингиз келсин!

Қадим Хивада Наврўз, навқирон Шоҳободда Наврўз, Беруний юрти — Катда Наврўз...

Биз эса воҳада нишонланаётган янги шодиёналарнинг гултожи бўлмиш Урганч шаҳрининг майдонидаги тантаналарга қайтамиз.

Эрталабдан ёмғир томчилай бошлаган. Баҳор нишонаси, тўкинлик белгиси. Байрамга ошиқаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Карнай-сурнай наволари. От-аравалар шаҳар кўчалари бўйлаб елади. Жарчи байрамга чорлайди: «Одамлар-а-а-а одамлар, боғда пишган бодомлар...»

Шарқ халқларининг қадимий анъанаси янги йил киришига бағишланган томошалар. Таниқли хонандалар бири қўйиб, бири олиб, қўшиқ куйлашмоқда. Раққосалар чарчаш нималигини билишмайди. Авлодларини Наврўз байрами билан қутлаш учун асрлар қаъридан Огаҳий бобо қадам ранжида қилмишлар. Насриддин Афанди атайлаб Бухорои Шарифдан ташриф буюрган.

Яман Араб жумҳуриятларидан келиб, Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг «Бахтли Яман» ансамблининг чиқиши ҳаммага ўзгача руҳ бахш этди.

Навбат жумҳурият ҳунар техника билим юртлари қошида ташкил этилган «Гулруҳ» халқ фольклор-этнографик ансамблига берилади. Уларнинг чиқишларида Наврўзни қадимда қандай нишонлашгани ўз ифодасини топган. Тошкент шаҳридаги 3-маданият уйининг «Баёт» ансамбли чиқишларида ҳам Наврўз руҳи...

Ўзбекистон ЛКСМ МҚ, Урганч шаҳар партия қўмитаси ва вилоят комсомол қўмиталари ташкил этган бу томоша-кўрик ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Тантаналарда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби А. Қодиров ва «Ёш ленинчи» газетаси муҳаррири Ж. Раззоқов иштирок этдилар.

Наврўз шодиёналари Хоразмда тонггача давом этди.

Ҳар кунинг бўлсин Наврўз!









Суратларда: Тошкентда ўтказилган Наврўз тантаналаридан лавҳалар.

Суратқаш Содиқ МАҲКАМОВ.

От йилини олқишлаб

ҚАРШИ (телефон орқали). Наврўз томошалари кўҳна Кешда эрта тонгдан бошланди.

Шаҳрисабзликлар ажойиб томошанинг гувоҳи бўлдилар. Улкан Аждаҳо — эски йил тимсоли янги йил Отга ўрнини бўшатиб берди. Аждаҳо кўплаб эртак ва достонларимизга қаҳрамон бўлган жонивор. Унинг номи билан аталган йилда жумҳуриятда фожиалар кам бўлмади. Фарғона, Паркент тўқнашувларини эслаймиз. Ҳарбий темир қутиларда қайтган йигитларни хотирлаймиз. Аммо Аждаҳо йилида кўплаб савоб ишлар ҳам амалга ошди. Китоб ноҳиясидаги янги ташкил этилган давлат хўжалиги Наврўз номи билан аталишининг ўзи ана шундай қувонарли ишларнинг биридир. Наврўзликлар байрамни ҳеч қачон бунчалик ҳаяжон билан кутмаган эдилар. Бунинг боиси — Тошкент давлат дорилфунуни фирқа, касаба уюшмаси, комсомол ташкилотининг хўжалик раҳбарияти билан биргаликда байрамни уюштирганлиги ҳамдир. Бу ерда бугун ўзининг ибратли ишлари билан мамлакатга танилган тарихчи олим Мухтор Шапсанов ўз шахсий жамғармаси ҳисобига қурдирган мактабда Наврўз томошалари бошланди.

Эрталабдан атрофни лайлакқор қоплади. Янги йилнинг биринчи совғаси одамларнинг кайфиятини кўтариб юборди. М. Шапсанов қурдирган мактаб ҳовлисида дошқозонда сумалак қайнайди. Яна бир катта қозонда палов дамланди. Исмалоқ, райҳон, ялпиз сомсалар ҳиди димоққа урилади. Куй, қўшиқ, полвонлар баҳси... Хуллас қизиқ томошаларни кўрасиз.

Бу ерга пойтахтдан, вилоятдан, ноҳия-ю, ҳатто Ҳиндистондан меҳмонлар келишган. Чунки мактаб ҳинд халқининг асл фарзанди Индира Ганди номи билан аталган. Кросс, яъни оломон пойга бошланади. Унда катталар билан бирга жажжи ўғил-қизлар иштирок этадилар. Ғолибларга ТошДУ, хўжалик ва М. Шапсанов ҳисобидан ажратилган қимматбаҳо совринлар топширилади. Уларни ТошДУ доценти Саидғози Набихўжаев топширди.

Ноҳиядаги Ф. Хўжаев номли мактабда ҳам Наврўзни пойтахтлик олимлар, комсомол ходимлари ва санъаткорлар билан кутиб олдилар.

Ўлкамизга кириб келаётган От йили тантаналари Қарши воҳаси бўйлаб давом этмоқда.

Қулман ОЧИЛ.

Ёш қаламкаш, омад бўлсин ёр, шоир руҳи сенга мададкор!

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси Секретариати «Жумҳурият ёш муаллифларининг энг яхши асарлари учун Усмон Носир номидаги Ўзбекистон ЛКСМ адабий мукофотини таъсис этиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Қарорга мувофиқ Усмон Носир номидаги Ўзбекистон комсомолининг адабий мукофоти 1991 йилдан бошлаб ҳар икки йилда (тоқ йилда) шоир таваллуд топган кун — 13 ноябрда берилади. Қуйида ушбу мукофот комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Уюшмасининг котиби Тоҳир МАЛИК ва комиссия аъзоси «Ёш гвардия» нашриётининг бош муҳаррири Нормурод НАРЗУЛЛАЕВлар шарҳини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Доно халқимизда шундай ҳикмат бор: ирмоқларсиз дарё дарё аталмас. Дарвоқе, дарёнинг эса муттасил, фаслларни инобатга олмай, тўлиб- тошиб оқиши, манзил сари интилиб, ҳаётга жон бахшида этиши, кўп жиҳатдан унинг битмас-туганмас, сон-саноқсиз ирмоқларига боғлиқ. Шу боисдан, таъбир жоиз бўлса, ўзбек совет адабиёти, унинг намояндаларини бир улкан дарёга қиёс қилиб, сўз санъатининг навқирон вакиллари — ёш иқтидорли кучларини эса жўшқин ирмоқларга ўхшатгинг келади. Чиндан ҳам сўнгги йилларда ана шу катта оқимга қайноқ жилғалар, янги, қудратли тўлқинлар келиб қўшилдики, бу қалбимизга қўр, кўзимизга нур бағишлади.

Серқуёш Ўзбекистонимизда ижодкор ёшлар тарбияси, унинг камолоти тўғрисида ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси адабиётимиз ва санъатимизнинг ёш авлоди тарбияси масаласини ҳамиша диққат-эътиборда тутиб турибди, уларнинг ижодий меҳнатини рағбатлантириш чораларини кўрмоқда. Анъана тусига кирган, ижодий ҳамкорликда ўтказилаётган назарий-амалий кенгашлар, семинарлар, конкурслар, фестиваллар, ўзаро мулоқотлар, дўстлик учрашувлари бу ва бошқа тадбирлар фикримизни тасдиқлайди. Ёзувчилар уюшмаси ёш адабиётчилар кенгаши ва «Ёш гвардия» нашриёти ижодий коллективи томонидан ўзбек ва рус тилларида қалам тебратувчи ёш адиб ва шоирларнинг энг яхши қўлёзмалари учун уюштирилган ижодий конкурс ижобий самара берди, конкурс ғолибларидан йигирмадан ошиқ ёш соҳиби қаламнинг шеърий ва насрий тўплами мустақил китоб ҳолида адабиёт мухлислари қўлига тегадиган бўлди. Шароит ва имконият тақозосига кўра, бундай ижодий мусобақаларни мунтазам ўтказиб турилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган йилнинг охирларида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси ўзининг навбатдаги мажлисларидан бирини «Ёш гвардия» нашриётининг ёш муаллифлар билан ишлаш фаолиятини янада такомиллаштириш масаласига бағишлаб, бу борада махсус қарор қабул қилганлигидан, ёш адиб ва шоирларнинг китобларини нашр этиш, тарғиб-ташвиқ этиш ишини янада жонлантириш юзасидан қатор амалий тадбир-режалар ишлаб чиққанидан хабарингиз бор, албатта. Ўзбек тилида «Қатортол» альманахини чиқариш, «Молодость» альманахини алоҳида журналга айлантириш, «Ёшлик» кутубхонаси» нашрини давом эттириш, ўсмирлар учун оммабоп «Сирли олам» журналини ташкил этиш каби муҳим масалалар кун тартибига қўйилди. Шунингдек, ёш ижодий ходимларнинг уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида махсус уйни қуриб битказиш ва фойдаланишга топшириш масаласи келишиб олинди.

Яна бир янгиликдан сизларни воқиф қилмоқчимиз. «Ёш гвардия» нашриёти ижодий коллективининг ташаббуси асосида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси Секретариатининг қарорига биноан, ёш муаллифларнинг нашр этилган энг яхши асарлари учун махсус адабий мукофот таъсис этилди. Ижодий зиёлиларимиз, кўп сонли ёшларимизнинг истак ва таклифлари инобатга олиниб, элимизнинг содиқ фарзанди, шеъриятимизнинг ёрқин юлдузи, қатағон йилларнинг қурбони Усмон Носирнинг порлоқ хотирасини абадийлаштириш мақсадида жумҳуриятимиз комсомолининг бу янги адабий мукофотини ўзбек совет адабиётининг етук намояндаси номи билан аташга қарор қилинди. Мазкур мукофотнинг низоми ишлаб чиқилиб, мўътабар комиссия состави ҳам тасдиқланди.

Адабий жамоатчилик, ёш ижодкор дўстларимиз жумҳуриятимиз маданий ҳаётида рўй берган бу унутилмас, қувончли воқеани адабиётимиз равнақи йўлида партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган оталарча меҳрибонлик, беғараз ғамхўрликнинг яна бир ёрқин нишонаси сифатида чин юракдан олқишлаб, самимий кутиб олади деган умиддамиз.

Ўз навбатида фурсатдан фойдаланиб Усмон Носир номидаги адабий мукофотнинг бўлғуси совриндорларига, шеъриятимизнинг садоқатли мухлисларига илҳомбахш умр ва ижодий сафарлар тилаймиз.

Ёш қаламкаш, омад бўлсин ёр,
Шоир руҳи сенга мададкор!

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 март куни соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари 23 март куни эрталаб соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 24 март куни эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.

Василий СЕЛЮНИН

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОРА ТУЙНУКЛАРИ

Пул ва маҳсулот ўртасидаги тенгликка маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмай ҳам эришиш мумкин — аҳолининг пул даромадини камайтиришнинг ўзи кифоя. Ҳозирги фавқулодда вазиятда ҳукумат ишлаб топилмаган пулни тўлашни тўхтатишга аҳд қилди. Тўртта иқтисодий маҳкама корхоналарга кўрсатма йўллади (халқ депутатларининг Биринчи Съездида депутатлардан бири буни «тўрт талончи» хати деб атаганди). Бир қарашда адолатли чеклаш. Бироқ режали, маҳсулотсиз иқтисодиётда бу кўрсатгичлар ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Дейлик, ракета тайёрлаётганлар, Енисейни бўғаётганлар, станок чиқараётганлар меҳнат унумдорлигини 80, ўртача маошни эса 5 фоизга оширишсин. Ажойиб мутаносиблик, ҳар ким ҳам бу ерда ҳақиқий ишлаб топилган пул берилган дейилади. Бироқ озгина бўлсада маошга қўшилган ана шу 5 фоиз қандай маҳсулот билан мустаҳкамланган? Қўшимча ракета, станоклар, Енисейдаги тўғон, яъни дўконга бормайдиган, истеъмол молларига алмаштириш мумкин бўлган ташқи бозорга чиқмайдиган маҳсулот билан. Ҳақиқатан ҳам ишлаб топилган қўшимча пул қадрсиз бўлиб чиқади, негаки истеъмол маҳсулоти кўпаймаган. Бошқа тарафдан, мисол учун маош маҳсулот қимматининг бор-йўғи 5 фоизини ташкил этган тикувчиликда иш ҳақини дадил меҳнат унумдорлигига нисбатан кўпроқ ошириш мумкин. Фақат ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантирса бўлгани — бу ерда аҳолига тарқатилган пулни қоплаш учун маҳсулот яратилади.

Кўриниб турибдики, сохта мутаносибликни қатъий назорат қилиш биздаги маҳсулот очарчилигини йўқотмайди. Бундан ташқари тақиқларни четлаб ўтиш жуда осон. Бизда меҳнат унумдорлигини бир киши ҳисобига неча сўмлик оширсангиз меҳнат сарфи кўпаймаган ҳолда меҳнат унумдорлиги ошади ва бу қонуний равишда маошни оширишга асос бўлади. Шундай қилиб «тўрт талончи»нинг хати амалда яна нархни кўтаришни рағбатлантирди.

Ҳаётни алдаб бўлмайди. Маоши ошган хизматчи истеъмол бозорига келиб нархнинг ошганини, маҳсулотларнинг пештахтадан йўқолганини кўради. Қорин тўйдириш учун у яна маошга қўшимча олиш имконини топади ва янада қимматроқ ҳамда ночорроқ бозорга келади. Инфляция деб ана шуни айтадилар. Маошни чеклаш эса инфляция ва маҳсулот очарчилигини меҳнаткашлар зиммасига юклаш деганидир. Бизга молиявий қийинчиликдан чиқишнинг йўли сифатида турмуш кечириш даражасини камайтиришни таклиф қилишмоқда. Ҳукуматнинг иқтисодиётни соғломлаштириш ҳаракатномаси фақат шу маънодагина ҳаётийдир.

VII

Режали-маъмурий соғломлаштириш чоралари самараси ҳисобига чакана нархни оширмасликка ваъда беришди. Бу ҳақда ҳатто махсус қарор ҳам қабул қилинди. Яхши ният албатта. Бироқ драматург Островскийнинг қаҳрамони ҳам ўз вақтида жуда кўп яхшиликни кўзловчи, аммо муваффақият қозониши жуда қийин бўлган орзуни яхши ният, деб атаганди. Ҳозирги давримиздан яхшироқ бўлган пайтда ҳам нархни бир меъёрда ушлаб туролмаганмиз: 1985 йилдаги 1 сўм ўзининг харид қувватига кўра 60-йиллар бошидаги 54 тийинга тенг эди. Шу кунда истеъмол бозоридаги мувозанат шу қадар бузилганки, бунақаси ҳали бўлмаганди. Биз нарх-навонинг ошишини чорвачилик маҳсулоти ҳисобига қоплаш вақтини ҳам ўтказиб юбордик. Ўша пайтда амалга ошмаган ислоҳотнинг асосий мақсади талабни озиқ-овқат маҳсулотига нисбатан сероброқ бўлган саноат маҳсулоти томон қаратишга йўналтирилган эди. Бугун талабни ҳеч қаёққа «буриб» бўлмайди — ҳамма нарса камёб. Ҳам маҳсулот, ҳам нарх барқарор бўлган вақт йўқ энди. Иқтисодиёт қонуниятларига зид равишда шу йўл танланадиган бўлса, у ҳолда нарх эмас, маҳсулот нархини кўрсатувчи кўрсаткичлар барқарор бўлади. Молиянинг издан чиққанлиги, хўжаликдаги оғир «хасталик» истеъмолчига таъсир этмаган замон ҳам бўлганми ҳеч? Ҳали ҳаммамиз ўн йиллаб давом этган турғунлик йиллари, тўрт йил мобайнида қайта қуриш тўғрисида гап сотганимиз, хўжалик механизмини янгилашда йўл қўйган хатоларимиз учун товон тўлашга мажбур бўламиз.

Ҳаёт бизни ғоят мураккаб бўлган уч йўлдан бирини танлашга мажбур этмоқда. Биринчиси: барқарор нарх ва бўм-бўш пештахталар. Иккинчиси: тез ошиб борадиган нарх ва маҳсулот сотувда. Учинчиси: нарх ҳам барқарор, маҳсулот ҳам бор, фақат карточка билан. Қайта қуриш йилларида биз ҳар уччала йўлнинг ҳам қоришиб кетганини кузатяпмиз, сўнгги ойларда эса карточка билан тақсимлаш эркин савдони тобора қисиб чиқараётгани яққол кўринмоқда.

Аҳоли маънавий-руҳий жиҳатдан нарх-наво пойгасидан кўра кўпроқ карточка системаси, тақсимот адолати бўлишига мойил. Бу масала ўзига хос тарихга эга. Машҳур «Вехи» (1909 й.) тўпламида унинг муаллифларидан бири С. Франк: «Социализм — бу ишлаб чиқариш ғояси тақсимлаш ғояси томонидан қисиб чиқарилган дунёқарашдир. Тўғри, социализм ижтимоий-сиёсий ҳаракатнома сифатида хўжалик ҳаётининг барча жабҳаларини қайта ташкил этишни таклиф этмоқда: у социализмнинг истаги борларнинг бойлигини тортиб олиб йўқларга тарқатишдан иборат деган фикрга норозилик билдирмоқда. Бундай фикр ҳақиқатан ҳам социализмнинг ижтимоий ёки иқтисодий назария сифатида жуда жўн талқин қилинишидир. аммо шундай бўлсада, у социализмнинг маънавий ижтимоий руҳини аниқ ифодалайди. Хўжаликни ташкил этиш назарияси социализмнинг техникаси холос, унинг қалби эса тақсимлаш ғоясидир, ва унинг интилиши охир-оқибатда кимларнингдир фаровонлигини кимларгадир тақсимлашдир. Социализмдаги маънавий кўтаринкилик адолатли тақсимлаш ғоясида мужассамлашган ва шу билан тугайди».

Янги жамият айнан ана шундан, ҳаётий фаровонликни тўла-тўкис қайта тақсимлашдан бошланганини эсга оладиган бўлсак, муаллиф билан баҳслашиш қийин: милтиқ ўқталиб деҳқонлар етиштирган нонни тортиб олишарди ва «адолатли» тақсимлашарди. Ўша йилларда фавқулодда ҳолат бўлганлигини эътиборга олиб бу чораларни оқлагинг келади-ю, бироқ Лениннинг ўзи бунга қарши чиқади. Биз бевосита коммунистик ишлаб чиқаришга ва тақсимотга ўтамиз деб хато қилдик, деганди Владимир Ильич, — деҳқонлар развертка бўйича бизга етарли миқдорда нон беришади ва уни завод, фабрикаларга тақсимлаймиз, шунда коммунистик ишлаб чиқариш ва тақсимот келиб чиқади деб ўйлагандик. Ҳа, Ленин буни хато деб атаганди, лекин хато тактик эмасди: назарияга биноан маҳсулотсиз фаровонликни тақсимлаш орқали тўғридан-тўғри коммунизмга ўтиш мўлжалланганди.

Иқтисодиётимиз тарихида «адолатли» тақсимлаш ғояси доимо деярли бош ўринда бўлган ва ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олган — корхоналарни фонд билан таъминлашдан тортиб, токи озиқ-овқатга карточка жорий қилишгача, энг юқори маошдан тортиб то БУД (ЦУМ)нинг машъум алоҳида шўъбасигача, гўштни умумиттифоқ фондидан тарозида тақсимлашдан тортиб, квартирани бепул тарқатишгача, жамоа хўжалигидан тортиб рэкетчиларнинг ширкатчиларга бўлган муносабатигача, талондан тортиб, махсус озиқ-овқат улиши (паёги)гача. Натижаси шу бўлдики, ишлаб чиқарувчи ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлмади — бойликни яратадиганлар бошқа, унга хўжайинлик қиладиганлар бошқа. Бу ўлик ғоя ҳамон тирик экан, демак кимдир бундан манфаатдор.

15

С. Франк ўша пайтдаги зиёлиларни бойлик яратиш билан эмас, балки тақсимлаш билан овора бўлаётганликда айблаб «халқ танасидаги зулук» деб атаганди. Ва ҳозирги пайтда қуриш руҳида ҳар қандай маъмурлар ва тақсимловчилар сонини қисқартиришга чақирганди.

Албатта, аллақачоноқ буни бошлаш керак эди, бироқ ўша турли-туман тақсимотчилар «Вехи»ни тушда ҳам кўрмай ўзлари учун оддий бир ҳақиқатни аниқ билиб олишган: «Ҳаётнинг ҳамма жабҳасида фаровонлик яратиш уни тақсимлашга қараганда кам қадрланади». Аллақандай мавҳум маънода эмас, балки аниқ, маълум имтиёзли тақсимлашга қадрланади. Маъмурлар ва тақсимловчилар фақат ўзлари меҳнати самарасигагина эмас, балки ишлаб чиқариш кучларига ҳам жавоб хўжайин бўлиб олган. Назарияга кўра социализмда мулк алоҳида бир кишининг эмас, ҳамманинг мулкидир. Бироқ шунинг номи мулкчилик, ҳеч кимники бўлмаган мулк. Йўқ — иқтисодиёт табиати бўшлиқни «ҳазм» қила олмайди. Йўқ қилинган хусусий мулкчилар ўрнини жамоа эгаллади. Фарқи шундаки, илгаригилар таваккал қилиб хўжалик юритардилар, ўз хатти-ҳаракатлари учун иқтисодий жавобгар эдилар, ҳозиргилари эса хато иш қилишган ҳам билишмайди. Негаки уларнинг хатоларидан фойдаланадиган рақобатчилари йўқ. Айтгандай бунга жудаям кулмаймиз; ишлаб чиқаришдаги рақобатчиларнинг йўқлиги ва йўқотиш ўрнини тақсимотдаги устамонлик билан қоплаш мумкин.

Одамлар бир хил эмас. Доимо кимдир бойроқ, кимдир камбағалроқ бўлган. Буни йўқотиб бўлмас экан, демак жамиятни шундай қуриш керакки шахсий бойликни экспроприация ёки ўғирлик билан эмас, сифатли, нархи ҳам меъёрида бўлган, фойда келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқариш билан орттириш керак. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи бор-йўғи фойда кўриш нияти билан эмас, балки фақат пулга ўзгаларнинг эҳтиёжини қондириш билан эришиш мумкин. Бу ҳақда Адам Смит ҳам гапирганди. Классик, ёхуд луғатларимизда таъкидланганидек буржуа сиёсий иқтисодининг отаси кимга ёқмаса, ўшанга Лениннинг XI тўпламига қарашни маслаҳат берамиз. У Бухариннинг «Ўтиш даври иқтисодиёти» китобининг айрим жойларига эътироз билдирганди. Бухарин: «Капитал ҳукмрон бўлган пайтдаги ишлаб чиқариш, **фойда кўриш учунгина ишлаб чиқаришдир**» деб ёзганди. Йўқсиллар ҳукмронлигидаги ишлаб чиқариш эса **ижтимоий эҳтиёжни** қондирувчи ишлаб чиқаришдир». Ленин бу фикрга мутлақо қўшилмайди: «Бўлмади. Фойда ҳам «жамоатчилиқ» эҳтиёжини қондиради». Айниқса, бу ўринда доҳий хусусий мулкчиларнинг фойдасини назарда тутяпти. Энди биламизки у биздан кўра яхшироқ бажарар экан бу ишни.

Аста-секин «бозор хўжалиги» дейишни ҳам ўргандик. Аммо бозорнинг ўзи нима? Бозор маҳсулот эгаларининг ва пул эгаларининг ихтиёрий ва доимий ўзаро айрбошлашидир. Агарда ҳамма мулкка давлат эгалик қиладиган бўлса, у ҳолда ким ким билан савдо қилади? Бозор тақсимот формаси ила ўқувсизлик билан ниқобланган ўйинчоқ бўлиб қолади. Бозор шундай ишки, у ё бор бўлади, ё йўқ бўлади; социалистик, капиталистик ёхуд ола-була бўлмайди. Мана энди калламизга мулкчиликни яккахокимликдан хусусийга ўтказиш фикри келди. Кўрқаписа атрофга аланглаймиз: қандай бўларкин? Кейин яна ўзимизни тинчлантиришга уринамиз. Муқаддас ёзувга зид эмас-ку дея. Жангарилар ҳар доим ҳам деярли унутилаёзган «Ер — деҳқонларга!», «Фабрикалар — ишчиларга!» деган шиорларни юлқиб олиб тупроққа қормайдилар-ку. Лекин олдин ўша ер, ўша фабрикани кимдандир тортиб олиш керак-ку. Амаллаб фаҳмлаймиз: хўш, кимдан? Бу сафар кимни экспроприация қилиш керак? Айтсангиз бўлди, биз тайёрмиз. Отганмиз, ахир биз умумхалқ давлати тўғрисидаги оташин нутқларни тушуниб етгунимизча мулкчиликнинг бутун бир синфи ёғлиб-ю. Элас-элас Карл Маркс ҳам ёшлигида нимадир деганини хотирлаймиз: давлат ҳам бюрократиянинг хусусий мулки бўлиб қолиши мумкин.

Хизматчи давлат ашёсига айланади ва токи ҳеч бўлмаганда бир жуфт қўл бўлса хусусий мулки бўлмас экан, ҳеч қандай қонун уни эркин инсон қила олмайди. Иқтисодий ва сиёсий ислоҳот ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик айнан ана шундадир, ривожланган мамлакатлар ҳамжамиятига бўлган йўл ҳам худди шу ерда. Шундай экан, мулкчиликнинг ҳамма формалари — хусусий ширкат ва давлат мулкчилиги тенг рақобат қилсин.

Қишлоқда афтидан якка хўжаликлар, бошқача қилиб айтганда оилавий фермалар устунликка эришса керак. Ҳамма жойда ҳам шундай: бошқа тармоқларда юз минглаб ишчилари бўлган миллатлараро компаниялар даражасида бирлашишмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асоси эса илгаригидай қандай бўлса ҳозир ҳам шундай — оилавий корхоналар. Демак, жамиятнинг энг мустаҳкам бўғини — оила ишлаб чиқаришда ҳам ҳаётий, рақобатбардош экан. Акс ҳолда у ёқдаги иқтисодиёт капитанлари аллақачоноқ уни ўз қўлларига олиб, улкан корхоналарга айлантирган бўлардилар. Ер давлат мулкилигича қолсин. Ғарбда ҳам шундай бўлиши мумкин, аммо албатта муддатсиз оила ихтиёрига берилади (ер эгаси уни сотиш

16

ёки бузиш ҳуқуқига эга эмас, чунки унинг мулки эмас). Бу масала баҳсли, лекин оила ишлаб топган бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари бутунлай унинг мулкидир, бу ўринда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас.

Хитойлар худди шундай қилишди, ерни деҳқонларга бўлиб беришдида, бир йил ичида миллиард кишини тўйдиришди. Биз эса доимо кечикиб юрадиган одамлармиз. Мамлакат жар ёқасида турибди-ю, бизлар ҳамон оилавий ижарани синаб кўрсак ёмон бўлмасди, деймиз. Ахир мартда ҳам қишлоқ хўжалиги бўйича пленум ўтказиладими? Энг кечи ноябрда ўтиши керак эди — негаки экиш бошлангунча ерни тақсимлаб бўлиш лозим; баҳорда экинда, кузда ҳосил кут. Энди эса бир йил беҳуда кетди, уни қандай ўтказамиз — номаълум.

У ёғини сўрасангиз ўша пленумда ҳеч нарса ҳал этилмади. Гап асосий масалага келганда маърузачи чўрт кесиб: жамоа хўжалиги тузуми самарасиз дейиш тўғри бўлмайди. Жамоа хўжалиги табиатида улкан ички имкониятлар яширинган, деди. Афтидан бу имкониятлар нефтнинг охирги томчисини ҳам қазиб олганимиздан сўнг, Аризона ва Канзасстан буғдойига алмашганимиздан сўнг очилса керак. Ҳозирча эса судралиб юрган хўжаликлар яна сақлаб қолинди. Улар кўпми? Хўжаликларнинг учдан бир қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 80, қолган икки қисми эса 20 фоизини беради. Энди уларнинг қарзидан ҳам воз кечилди — мамлакатни бошқатдан хонавайрон қилишни бошланг. Эплай олмасангиз, айрим ҳолларда, дейилган, ер «бақувват жамоа хўжаликларига, давлат хўжаликларига, бошқа корхоналарга, жамоа ва оилавий ижарачиларга» берилади. Эҳ-ҳе, бу қачон бўларкин...

Умуман, бўлармикин? Халқ депутатларининг Биринчи Съездида тузилган аграр масалалар бўйича қўмита раиси А. Ваирев мени янги органнинг мажлисига чақириб бўлажак ер тўғрисидаги қонун хусусида ўз фикримни билдиришимни таклиф қилди. Қонун чиқарувчилар якдиллик билан ерга муниципиал мулкчилик, жамоа хўжаликларидан чиқиш ҳақидаги фикрларимни рад этишди: ким ҳам фермерларни артелнинг бўлинмас фондлари ҳисобидан ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашни истарди? Йўқ, уларнинг фикрича деҳқон ерни фақат жамоа хўжалигидан ижарага олиши ва жамоа хўжалиги режасига биноан экиши мумкин экан. Афтидан уларга янги қонун керак эмас, эскиси ҳам тўла қониқтиради. Буни тушунса бўлади: қўмита аъзоларининг аксарияти — пешқадам хўжаликлар раҳбарлари, ёмонларини халқ депутатлигига сайлашмайди. Артел хўжалиги ҳам яхши ишлаши мумкинлигини исботлаш учун бутун умрларини сарфлашган. Табиийки, улардан бошқача жавобни кутиш ноўрин. Бироқ бундай илғорлар мамлакатда қанча? Доно Аркадий Филомонович маъюс ҳазиллашганди: «Уларнинг деярли ҳаммаси шу ерда, залда».

Улар ҳеч қачон деҳқонга эркинлик беришмаса керак. Съездда машҳур раис В. Стародубцев 400 дан зиёд аграрчи депутатлар номидан гапириб қўрқитди: «Жамоа хўжалигига қарши бўлганларга нима дейиш мумкин? Сизлар — деҳқонга охирги зарбани бериб, шу йўл билан халқни узоқ йилларга ярим оч ҳолда қолдирмоқчисизлар». Шу заҳоти нотиқ таҳликали овозда қўшиб қўйди: «СССР Давлат режа қўмитаси мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш бўйича шу йил (1989 йил — тарж.) 5 майдаги 25-сонли қарори билан (қандай лўттибозлик!) кейин хусусий шўъбага сотиш учун 1989 йилда 20 минг трактор, 10 минг юк машинаси, 1100 экскаватор, 1677 бульдозерни Агропром ҳисобидан олиб Центросоюзга ўтказди. Шу ерда ўтирган, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари бўлган ўртоқлар! Биз йиллаб трактор, бульдозер беришларини орзу қиламиз — ололмаймиз. Энди эса умуман олмаймиз шекилли».

Маълумот учун: қишлоқ ҳар йили 330—350 минг трактор, 300—350 минг юк машинаси олади. 600 мингга яқин трактор ва комбайнлар лоақал бир сменада ишлаши учун механизаторлар билан таъминланмаган. Демак, техника ишламасдан занг босиб ётса ҳам, хусусийчига ҳеч вақо берилмасин эканда. Қонун чиқарувчиларнинг тушунчаси бўйича мулкчилик формаларининг тенг ҳуқуқлилиги мана шунақа. Съездда таркиб топган кучли аграрчилар «бўлинмаси» қишлоқ хўжалигининг чириб бораётган шўбаларига молиявий ёрдам берилишини талаб қилмоқда. Бу эса иқтисодиётдаги яна бир ўпқондир.

Энди ширкат мулкчилиги ҳақида. Очиғини айтиб қўя қолай, хўжаликнинг ҳамма тармоқларида энг келажаги порлоқ бўлган мулкчилик — бу ширкатдир. Аммо... Яқинда ўз муштарийларим билан учрашиш учун Кубанга борган эдим. Қаерда — жамоа хўжалигидами, дорилфунундами бўлмайин, битта савол эшитаман: қачон безори ширкатчилар тугатилади? Улар ҳамма гўштни кабоб қиляпти, газмолни ташиб кетишди... Бозорларда, одамлар кўп йиғиладиган жойларда соатлаб юрдим — балки омадим келмагандир, лекин бирорта ҳам кабобчини учратмадим. Ким ҳам журъат этарди? Каллангни сапчадек узиб олишади-да: ўзи шунақа эди, деб тураверишади.

Бухарин устидан бўлган суд жараёнида қизиқ бир жой бор: фирқанинг собиқ эркатойини ёғга шиша синиқларини қўшишда айблашган. Ёлғон ва туҳмат қанчалик даҳшатли бўлса унга шунчалик тез ишонишади: ёғни атайин бузишгандан сўнг у қандай қилиб дўконда бўлсин? Бугунги кунда ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз бермоқда: ширкатчилар жамоатчилик назарида халқ душманлари ролини ижро этишяпти. Ана ўшалар ҳамма маҳсулотни гумдон қилишяпти, бизга эса ҳеч вақо қолмади.

Албатта, кабобчи минг сўм ишлаб топгани билан бозорнинг аҳволи яхшиланишига ҳисса қўшганини исботлаш мумкин. Унинг даромади қандай бўлишидан қатъи назар ҳеч қачон бир кунда бир ботмон гўшт емайди ёки бирданига иккита костюм киймайди. Ортиқча пулни у омонат дафтарчага қўяди, яъни маълум муддатга уни муомаладан чиқаради. Бироқ маош билан кун кўрувчилар ўша пулларини кабобга сарфламаганларида эди, у билан шубҳасиз давлат дўконига борардилар ва шу билан маҳсулот очарчилигини кўпайтирган бўлишарди. 1988 йили янги ширкатчилар миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

(Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор.)

17

Хорижидан хабарлар

ЗИМБАБВЕНИНГ РАНГЛИ СИНФЛАРИ

Зимбабве жумҳуриятида одатдагидек январь ойининг ўртасида (Жанубий ярим шарда авжи ёз пайти) бошланган янги ўқув йили бизнинг оиламиз учун ўзига хос бўлди: қизимиз Хараредаги қадимий мактаблардан бири «Льюишм скул»нинг биринчи синфига борди. Биз тўғрисини айтсак хотиним билан анча ташвишландик: бегона тил, бегона урф-одатлар, нотаниш программалар. Лекин бизнинг ташвиш бекор экан. Қизимиз тезда киришиб кетди ва мактабга атиги икки ҳафта бориши билан кўплаб дўстлар орттирди. Ўйлашимча, бу биринчи галда ёш ва хушчақчақ ўқитувчи Энанд хонимнинг хизматлари эди. У ранги ҳар хил бўлган турли миллатдаги ва ирқдаги болаларни бир синфда осонгина «бирлаштира» олганди.

Энанд хоним биринчи кунданоқ биринчи синфга борганларнинг номини тезда эслаб қолиш учун кичкина қоғозга исмларини ёзиб уларнинг формаларига чатиб қўйди. Шунда биз Наташа даниялик Олоф, ҳинд Раж, япониялик Токиро ва зимбабвелик Маччи, Кеннет, Чарльз, Виктория, Тафаро каби ёш жумҳуриятнинг оқ ва қора болалари билан бир синфда ўқиётганини билдик.

Зимбабвенинг бошланғич ва ўрта таълим нозири Фой Чун билан бўлган суҳбатни эслайман:

— Ян Смит даврида, ирқчилик тузуми мавжудлигида мамлакатда билим беришнинг икки хил усули — оқлар ва қоралар учун икки нозирлик, икки хил мактаб программаси бор эди, — деб айтганди у. — Ирқчилар ҳукумати мактабни маблағ билан таъминлашда ўзига хос «тенглик» усулини қўллаган: ўқувчиларнинг 4 фоизини ташкил қилган оқ танли болалар учун сарф қилинган маблағ билан 96 фоиз қора танли ўқувчиларга ажратилган маблағ теппа-тенг бўлган. Мустақилликни қўлга киритгач, биз дарҳол таълимнинг ягона усулини ташкил қилдик. Мамлакатда барча ирқдагилар учун бир хил мактаблар очилди.

Натижада, атиги бир неча йил ичида аҳолининг саводхонлиги ошган, мактабга бўлган муносабат ўзгарган, ирқчиларнинг қора танлилар ўқишни хоҳлашмайди деган гаплари пуч бўлиб қолди. Бир ўқитувчи менга айтганидек, «африкаликлар ўқишнинг мазасини тушуниб қолдилар ва болаларга яхши билим бериш учун ҳамма нарсага тайёрдирлар».

Бу баъзида ота-оналардан анча-мунча фидойиликни талаб қилади — жумҳуриятда ўқиш пуллик бўлиб, ҳисоб-китоб мактабнинг сифатига қараб белгиланади. Учта теннис корти ва каттагина бассейни (ҳовузи бўлган «Льюишм скул»га ота-оналар бир чоракка 60 зимбабве доллари (тахминан 30 америка доллари), яна 20 доллар ихтиёрий бадал тўлашади. 200 долларга яқин пул мактаб формаси жамламаси: оқ пайпоқ ва форма кўйлагидан тортиб то қора чўмилиш кийими ва дарсликлар учун махсус қопчага сарфланади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг оёқ кийимидан тортиб то бошларидаги соябонли қалпоқчача бир хил бўлади.

Зимбабведа биринчи синф ўқувчилари нима билан шуғулланишади?

Асосан ўйнашади ва қўшиқ айтишади, варрак учиришади ва юқори синф ўқувчилари билан боғда сайр қилишади. Ўйнашаётган пайтда ўзаро муомала қилишни, тилни ўрганишади.

Биринчи куни қизимиз «менинг биринчи ўқиш китобим» деб ёзилган дафтар олиб келди. Унга Энанд хоним турли расмларни туширib берган бўлиб, ўқувчи уйида «болани», «қизчани», «итни» бўяши керак. Бу сўзлар бошқа қоғозга ҳам ёзиб қўйилган. Кейин «кўраяпти», «югураяпти», «сакраяпти», деган сўзлар ёзилган. Болалар бунда алфавит ҳақида тушунчага эга бўлмасданоқ таниш бўлиб қолган оддий сўзларни ўқиш ва ёзишни тезда ўрганиб олишар экан.

Қизимиз ҳар куни мактабдан янги сўзларни ва қўшиқларни ўрганиб келади. Шунингдек, болалар тушунишига осон бўлган ибодатларни ҳам ўрганиб келмоқда: «Еган ичганимиз, дўстларимиз, қушларнинг сайраб турганлиги учун худога шукур».

Душанба куни тушликдан сўнг мактабда спорт дарси бошланади — болалар югуришади, теннис ўйнашади ва сузишади. Жумани эса ҳамма орзиқиб кутади. Синфлардан бири навбати билан ҳайрия бозорини ташкил қилади: узун столларнинг усти ота-оналар тайёрлаб берган тортлар, пирожнийлар ва кексларга тўлади. Хоҳлаган ўқувчи фақат 50 центга ўшалардан бир бўлакдан сотиб олади. Тушган пул мактаб жамғармасига ўтади, болалар эса асосий нарсани — савдо қилишни ўрганишади.

Ҳар ҳафтада ўқувчи жомадонидан мактабдаги янгиликлар, янги ўқитувчиларни таништириш, байрамлар программаси ва бошқа тадбирлар, ота-оналарга маслаҳатлар ёзилган маъмурият хатини оламиз. Буларнинг ҳаммаси ота-оналар ҳам ўз болаларидек мактаб ҳаёти билан бирга яшашлари учун қилинади.

Бир куни қизимиз пешонасига тилларанг юлдузча ёпиштириб келди ва кечгача у билан фахрланиб юрди. Маълум бўлишича биринчи синфда ўқувчиларни бошқача баҳолашар экан. Баҳо ўрнига ўқувчининг ўзлаштиришига қараб юлдузчалар тарқатилар экан. Ўқишига, одобига алоҳида юлдузча берилади. Лекин энг яхши мақтов душанба куни залга ҳамма ўқувчилар йиғилганда директор томонидан номи тилга олинган ўқувчиларга берилар экан. Директор бу ерда ўз режаларини, маслаҳатларини, ўқувчилар ва ота-оналарнинг фойдали ташаббусларини ўртоқлашади. Яхши тажриба, тўғрими?

Андрей ДУБРОВСКИЙ,
АПН махсус мухбири,
Хараре.



ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия пойтахтидаги болалар касалхонасининг довруғи нафақат мамлакатда, балки ундан ҳам ташқарида тарқалган десак, муболаға бўлмас. Бу ерда илмий-назарий изланишлар билан бир қаторда фаол амалий тажрибалар ҳам олиб борилади. Клиника йилига олти ярим минг болага хизмат кўрсатади. Шуниси диққатга сазоворки, касалхона олимлари рак касаллигига қарши курашда катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

СУРАТДА: бу қизчанинг исми Иоханна. Уни шифокорлар ўлим чангалидан сақлаб қолишди. Қизчада ривожланиб келаётган рак шиши зарарсизлантирилди.

ТАСС сурати.

Вилоятлар оқсоқоллари билан учрашув

КОБУЛ. 20 март. (ТАСС). БАХТАР агентлигининг хабар беришича, Афғонистон Республикасининг Президенти Нажибулло Парвон, Бамиан ва Каписа вилоятларининг оқсоқолларини қабул қилди. Учрашув чоғида Афғонистон раҳбари ҳарбий тўнтаришга уринишни бостиришда кўрсатган мадади учун вилоятлар аҳолисига миннатдорчилик билдирди, барча ватанпарвар кучларни жипслаштириш негизида амалга оширилаётган миллий яраш сиёсатини чуқурлаштириш борасида ҳукумат белгилаган чоралар ҳақида гапириб берди.

Кейинги кунларда Афғонистон пойтахтининг теварагида муросасиз оппозиция отрядлари ўз қўпорувчилик фаолиятларини кучайтирдилар. Шу муносабат билан давлат хавфсизлиги министрлигининг ходимлари шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли яшайдиган даҳалар ўққа тутилишининг олдини олиш ишларини ўтказмоқдалар. Ўтган кеча-кундузда Кобулда хавфсизлик кучлари 17 килограмм портловчи модда, 6 та пиёдаларга қарши минани қидириб топдилар. Пағман уездида «Ер-ер» классидаги учта ракета зарарсизлантирилди. Нанграҳор вилоятида оппозициячи тузилмалардан бири «Блоупайп» кўчма зенит ракета комплексини ихтиёрий равишда маъмурларга топширди.

Фарёб вилоятида «Афғонистон ислом партияси» билан «Афғонистон ислом жамияти»нинг тарафдорлари ўртасида оғир қурол-ярог ишлатилган қонли тўқнашувлар қайтадан бошланиб кетди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«МЕГАБУС» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

✦ ФРАНЦИЯНИНГ «Рено» фирмаси «Мегабус» автобусини ишлаб чиқарди. Уч қисмдан иборат бу автобуснинг узунлиги 24 метрдир. «Мегабус»га бир йўла 206 йўловчи жойлаша олади.

АЖРАЛИШ — ЁШЛИК ХАТОСИ

✦ «СЕВГИ — ЁШ ТАНЛАМАЙДИ» деб бекорга айтишмайди. АҚШнинг Иллинойс штатида яшовчи Элизабет ва Джозеф Пипкинлар 77 ёшида никоҳдан ўтганлиги бунга далилдир. «Севишганлар»нинг ўз тарихи бор. Джозеф билан Элизабетнинг биринчи никоҳ тўйи 1932 йилда бўлиб ўтганди. Олти йил бирга тотув яшашди, икки фарзандли бўлишди, шундан кейин «характерлари тўғри келмай» ажралишди. «Бизнинг қўйди-чиқдимиз—ёшлик хатосидир», —дейди. Джозеф. Энди «ёшликдаги шамоллар» «келин-куёвни» тўғри йўлдан адаштирмаса керак. «Менинг отам, — ҳикоя қилади оила бошлиғи, — 78 ёшида уйланиб, рафиқаси билан 105 ёшигача бахтли ҳаёт кечирган».

БЕКОРЧИЛАР КЛУБИ

✦ СЎНГГИ ВАҚТДА ГФРда янги-янги клублар ташкил этилмоқда. Расмий маълумотларга кўра, ўтган йил охирида мамлакатда уларнинг сони икки мингдан ошиб кетди. Баланд бўйлилар, Узун оёқлилар, ҳатто... Бекорчилар клуби шулар жумласидандир. Бекорчилар клуби аъзолари йилига, албатта уч ҳафта ишсиз бўлишлари шарт.

ИТЛАР УЧУН ВИДЕОФИЛЬМ

✦ БУНДАН БУЁН АҚШдаги ит эгалари ишга ёки меҳмонга кетганларида, жонивор уйда якка ўзи нима қиляпти экан, деб куйинмайдилар. «Догги Эдвенчур» видеокассетасини сотиб олинса, бас, унда асосий қаҳрамонлар — итлардир. Бу антиқа видеокассета тўрт оёқли ҳайвонлар учун мўлжаллангандир. Видеоянгилик жуда қиммат бўлишига қарамай, тез сотиб бўлинмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



Ғулом ҒАФУРОВ — филология фанлари номзоди, Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти. «Камалакда нур кўп, жило кўп», «Клуб сценарийси асослари», «Удумларда халқ қалби», «Телевидение ва коммунистик тарбия», «Халқ университетлари ва эстетик тарбия», «Наврўз — халқ байрами» каби рисолалар муаллифи.

Ғулом ҒАФУРОВ



I

Ошкор бўлган бор ҳақиқат энг аввало қалб эҳтиёжи — қадриятларга зарба беради. Эркин Воҳидов шундай ёзади:

Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон,
Ул ширин ёлғонга мендек, алданиб қолғон ёмон...

Инсон қалби — мисоли туну-кун мавжланиб оқаётган дарёи-азим! Дарё сувининг қадр-қимматн унинг шаффофлиги, беғуборлиги, шифобахшлиги билан шарафланганидек, инсон қалбининг улуғворлиги ҳам Эътиқод, Ҳақиқат, Яхшилик, Ҳалоллик, Қадр-қиммат, Бахт, Бурч, Эзгулик, Гўзаллик, Поклик каби мумтоз қадриятларнинг мавжудлиги билан қадрланади. Демакким, бу қадриятлар инсон қалбидаги мангу булоқлар бўлиб, улар тиним билмай оқадиган шаффоф ва шифобахш дарёга ўхшайди. Одамлар асрлар давомида бир-бирларининг қалб наҳридан баҳра олиб келадилар. Шу кунларга келиб, бамисоли ана шу қадриятлар — қалб булоқларининг кўзи бекилиб қолгандек...

Айни дамдаги ёлғон ва аччиқ ҳақиқат шуки, табиат экологик ҳалокатга йўлиққанидек, ер кимёвий заҳарлардан зўриққандек, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий машмашалардан минг йиллар мобайнида ардоқлаб келинган қадриятлар — қалбимиз булоқлари кўзини қора балчиқ қоплади, маънавий ўзлигимизни йўқотдик. Қилиб қўйган хатоларимиздан минг бор афсусдамиз! Йиғлай десак, йиғлаб бўлмайди — кўзларда нам йўқ! Кулай десак, кулолмаймиз — лабда табассум йўқ! Ўйлашга имкон йўқ — вақт тиғиз, тоқат косаси тўлиб тошган, Сабр Жабрга айланган! Одамнинг яшагиси, ўйнаб-кулгиси келмайди — танда руҳ, оёқда мадор тугаган, юрак хаста! Ажиб бир руҳсизлик! Қалб ҳовлиси ҳувиллаб қолган — ҳокимларда Адолат йўқ, золимларда Мурувват, Меҳр-шафқат йўқ, олимларда Эътиқод, Имон йўқ, эр-хотинда Вафо, дўстларда Садоқат йўқ! Халқ орасидан Яхшилик, Ҳалоллик, Эзгулик, Гўзаллик, юздан Шарм-ҳаё кўтарилган! Бобокалонларимиздан мерос қолган қадриятлар биздан кўчган...

Биз англаган ширин ёлғон ва аччиқ ҳақиқат шуки, тарғибот ва ташвиқот машинаси эртадан кечгача «Яша, Шўро! Яша Шўро! Сен яшайдиган замон!», «Сен бахтисан, бахтли замоннинг боласи», «Гул диёрим бор менинг, гулшан диёрим бор менинг», «Пахтакор, мақтанинг мени», «Ўзбекистон бору бўстон, Ўзбекистон донғи достон», «Пахтапарвар эл эрурмиз шавкату-шониш билан», «Кетаётир қизлар далага», «Қаҳрамон халқим заррадан хирмон айладинг», «Чаноқларда жилмаяди дур, Қалбга чексиз чақмоқ солади», «Келажаги порлоқ» Мирзачўли, «Зафарли» Фарғона... Янгиериш дея куйладик. Бу ширин ёлғонларни эшита-эшита қалбимиз кўтир бўлиб қолди! Зеро, етмиш икки йил мобайнида мурғак қалбларга «Ўтмишинг қоронғу, тарихинг йўқ!» [illegible] Темур, Бобур, Худояр, Амир Олим, Муҳаммад Раҳим, Кўршермат, Мадамин, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов улар сотқин, хоин дея [illegible] Тумарис, Муқанна, Алпомиш, Жалолиддин, Торобий каби мард-майдонларнинг номини [illegible] Шу боисдан Ватан, Хотира, Ифтихор туйғусидан маҳрум бўлиб ўсдик.

Европача турмуш тарзининг бир ярим минг йиллик мусулмон шариати қонун-қоидалари асосида турмуш кечириб келган халқимиз ҳаётига [illegible] Бу ҳол ҳамон давом этмоқда: бир томонда ота-боболаримиз минг йиллардан бери амал қилиб келаётган анъаналари ва урф-одатлари — тўйлар, байрамлар, маросимлар! Иккинчи томонда маъмурий-буйруқбозлик «сиёсий зарбалик» асосида зўрлаб тиқиштирилган «янги урф-одатлар» — партком, комсомол [illegible] кўпчилик олдида «горько» [illegible] келин-куёвнинг рақсга тушиши, туғилган куннинг нишонланиши, ота-она, қавми-қариндош олдида [illegible]

[illegible]

Бугунги кунда биз англаган бор ҳақиқат шуки, жўр бўлиб ўз ўтмишимизни, маънавий меросимизни, тарихимизни қоралаб, маънавий қадриятлар билан боғлиқ нимаики яхши нарсалар бўлса, барчасини бирваракайига «ёмонладик», янги замонага [illegible] деб, феодал [illegible] «ўтмишда қолган сарқит» [illegible] Гўё ўтмишда бошқа халқлар фаровон яшаган-у, фақат биз ўзбеклар қул ва қашшоқ бўлганмиз! Биз шу мақомга эришдикки, бобокалонларимиз, буюк алломалар, қаҳрамонларни вояга етказган, оддийгина пайрахадан қилинган БЕШИКни, иссиқ тафтида исинтирган САНДАЛни эскилик сарқити дея кўчага улоқтирдик. Ота-боболар удумига кўра бешик ва китобни оловда ёқиш энг оғир гуноҳ ҳисобланган. 30-йилларнинг даҳрийлари қанчадан-қанча бешикларни ва китобларни ёқиб юборишди! Осмонга ўрлаган ана шу гулханларда биз йўқотиб қўйган ва ҳозир излаб юрган ҚАДРИЯТлар ҳам ёниб кетган бўлса-чи?!

Биз шу мақомга эришдикки, беғубор болалигимизнинг овунчоғи—бешигимизнинг равида осилиб турадиган тўданаларни, туморларни, тизим-тизим кўзмунчоқлар, маржонлар, тасбеҳлар, ошиқлар шодаларини, сопол, ёғоч, лойдан ясалган ўйинчоқларимизни, қўғирчоқларимизни, қуроқли ёстиқчаларимиз, қалпоқчаларимиз, кўрпа-кўрпачаларимизни, чопонларимиз ва иштончаларимизни. жамалаклар, соч-попуклар — ҳаммаҳаммасини бирваракайига инкор этдик!..

Биз шу мақомга эришдикки, беғубор болалигимизнинг ҳамроҳи бўлган ўйинларимиз — ҳаппак, кўчмак, ошиқ отди, буқир, ёнғоқ отар, чурикес, така-ловлов, оқ суяк, қувлашмачоқ, зувиллатар, ҳакка-чиллик, туфалак, пошша-вазир, кўрпа ёпди... юзлаб эрмакларимиздан айрилиб қолдик!..

Биз шу мақомга эришдикки, фарзандларимиз бешиги устида «Алла» айтишга, халқ армонлари келин-куёв, қайнона-қайнота, қўни-қўшни, қавми-қариндош шаъни, меҳр-оқибат, ор-номуси улуғланадиган «Ёр-ёрлар», ўланлар, термалар, келинсаломлар, хуш келдингизлар, алла ва яллалар айтишга тилимиз келишмайди!..

Биз шу мақомга эришдикки, миллий либосларимизни кийишдан орландик, боболаримиз ва момоларимиз санъат даражасига кўтарган чопондўзлик, зардўзлик, каштачилик, маҳсидўзлик, дўппидўзлик, кулолчилик, гилкорлик, деволзанглик, гиламдўзлик... каби юзлаб ҳунарларга қўлимиз келишмай қолди!..

Биз шу мақомга эришдикки, бобокалонларимиз асрдан-асрга одоб-ахлоқли бўл деб тайинлаб келган ўгит-насиҳатларини унутдик, назар-писанд этмадик, инкор этдик! Ҳеч бўлмаса [illegible]

[illegible]

Машраб осилганда қайда эдинг!
Лорқа отилганда қайда эдинг!
[illegible] Қодирийни ё, [illegible]

Ҳукмлар уқилур сенинг номингдан,
[illegible] сенинг номингдан.
[illegible] Қандайин сеҳрли кучсан!
Нечун томошага бунчалар ўчсан!
[illegible]
Қачон халқ боласан эй, сен — Оломон!!

Ошкор бўлган ширин ёлғон ва аччиқ ҳақиқат сабоғи шуки, [illegible]

Маъмурий-буйруқбозлик «пешволари» [illegible]

Мамлакат иқтисодиёти, сиёсати ва маънавиятини таназзулга юз тутганлигининг бош сабабларидан бири [illegible] ИШОНЧнинг, УМИДнинг, ЭЪТИҚОДнинг йўқолганидир. Маъмурий-буйруқбозлик одамлар қалбига қўрқув ҳиссини қўрғошиндай ўрнаштирди. Ўз навбатида қўрқув, ишончсизлик, маслаксизлик, эътиқодсизлик, шахсий қадр-қимматнинг тагзамини бўлмиш ВИЖДОН туйғусини кемирди. Хўш, Виждон нима? Виждон — инсоннинг муайян ахлоқ нормалари нуқтаи-назаридан туриб ўз ҳулқини баҳолаши, назорат қилиши ва ҳулқи билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари, кечинмаларини таҳлил қилишдир. Виждон — лозимий нарсалар олдидаги масъулиятдир!!! Виждон — шахс ва жамиятнинг бақувват ўқ томири — илдизидирки, бу томир-илдизнинг касалланиши Ватанга муҳаббатни, ота-онага, ўз ўлкасига, аждодларининг қабрларига — ХОТИРАга, халқнинг асрлар қаъридан олиб ўтган анъана ва урф-одатларга менсимаслик майлларини пайдо қилди. Виждон шамчироғининг сўниши беўхшов манманлик ва манфаатпарастликка йўл очди. Ажиб бир манманлик, манфаатпарастлик ва худбинлик! Ана шу манманлик ва худбинлик қадриятларга беписандлик, истиқболга ишончсизлик, бурч олдида масъулиятсизлик, Ватан, халқ олдида, қавми-қариндош, ҳамюртлар, дўстлар, ҳамкасблар орасида юзимизни ёруғ қилувчи шахсий ҚАДР-ҚИММАТ қора балчиққа булғанди!! Ибтидо ва интиҳоси йўқ ажаб бир манманлик ва худбинлик! Луқмони ҳаким шундай деган экан: «Инсон учун энг мудҳиш айб, бу — кишининг ўз айбини кўра билмаслиги ва тан олмаслигидир!»

Донишмандлар фикрича, халқ қалбининг сарчашмалари — Эътиқод, Имон, Адолат, Яхшилик, Ҳалоллик, Қадр-қиммат, Бахт, Бурч, Эзгулик, Гўзаллик каби мумтоз қадриятларга путур етса инсон учун энг қабиҳ ҳисобланган тўрт айб зоҳир бўлар экан: биринчиси — мансабдорнинг ғазабноклиги. Иккинчиси — олимларнинг ёлғончилиги. Учинчиси — давлатмандларнинг ҳасислиги. Тўртинчиси — аёлларнинг фоҳишалиги... Инсоннинг инсонлигини билдирувчи қадриятларнинг кирза этиклар остида аёвсиз топталиши туфайли донишмандлар айтган тўрт айб ҳам кўз олдимизда содир бўлди: «халқлар отаси» Сталиннинг ғазабноклиги, Хрущчев, Брежнев ва улар ёнидаги олимларнинг ёлғончилиги (коммунизм ваъда қилишди-ю, алдашди), Брежнев ва шерикларининг очкўзлиги, порахўрлиги, янги замонда юзини очган, бетидаги шарм-ҳаё, уят, андишани йиртган аёлларимизнинг ошкора фоҳишалиги... Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драмасида Аросатда қолган йигит иккиюзламачи Торозибонга қарата шундай дейди:

Мен дўзахдан чўчимасман,
устимдан кулма,
Мен чидарман, аммо қайда
Ҳақиқат, Имон!..

II

Шарқ донишмандлари инсон умри дарахт соясида қуш уйқу билан мизғиб олиш, ёинки уйнинг бир эшигидан кириб иккинчи эшигидан чиқиб кетиш мисоли қисқадир, дейдилар. Демак, инсон умрини қуш уйқусига қиёс қилган донишмандлар умрингнинг ҳар бир лаҳзасини бекорга ўтказма, вақт ғанимат, демоқчи бўладилар. Асрлар мобайнида инсоннинг ўзи яратган анъаналари, удумлари, одоб-ахлоқ қоидалари бу фоний дунёдаги инсон қисқа умрининг мазмунини безаб туради. Ўзбек халқининг маданияти, маънавияти ҳам ўз тарихи каби қадимийдир. Қадим анъаналар ва удумлар халқнинг юксак маънавий қиёфасини, аҳлоқини меҳнатсеварлигини ҳам ифода этади. **«Урф-одатлар халқнинг қиёфасидир** — деган эди В. Г. Белинский, — **уларсиз халқ қиёфасиз образ, беҳуда ва амалга ошмайдиган хаёлдир».**

Шарқ халқлари, жумладан, ўзбекларнинг меҳмондўстлик, катталар сўзига ҳурмат, болапарварлик ва кўп болали оилаларга марҳаматли бўлиш, тўй ва мотам маросимларида ўзаро ёрдамлашиш, ҳашар, болаларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, оила аъзоларининг уйда бир-бирларига кўмаклашиши, ҳимматлилик, оила бузилишига йўл қўймаслик, кўпчилик бўлиб гурунглашиш, дам олиш... бу яхши удумлар асрлардан бери халқ манфаати йўлида хизмат қилиб келмоқда ва улар халқимизнинг маънавий қиёфасини белгилайди...

Халқимизнинг қадимдан амал қилиб келаётган одоб-ахлоқ қоидаларига кўра, нон ушоғи беҳосдан ерга тушса, ёшу-қари уни қўлга олиб кўзга суртган, ўпиб қўйган, ҳатто оғзига солган... Сувга туфуриш «гуноҳ» ҳисобланган. Жонзот борки, оқар сувдан оғзини қўйиб ичаверган, сув тоза бўлган, шу қадар тоза бўлганки, сув етти думаласа «ҳалол» бўлган. Қадимда ҳовузларнинг суви ҳафталаб, ойлаб турган. Бирон киши уни «ҳаром» қилишга ботинолмаган. Ҳовуз теварагида келинчаклардай эгилиб турган мажнунтоллар сояси сувни салқин сақлаган... Қозонга мушук, товоққа товуқ, сутга сичқон тегса ўша идишлар «ҳаром» ҳисобланиб, тўққиз марта қум билан ишқалаб ювилган, қатрон қилинган. Кечқурун қозон ювуқсиз қолса «ҳаром» бўлган... Кечаси уй супурилмаган, супурги ётқизиб қўйилган... Икки қўлни орқага тираб чалқанча ётиш, ёстиқни чаппа қўйиб ухлаш, бармоқларни занжир қилиш, оёқларни чалиштириб, кўпчилик олдида узатиб ўтириш одобсизлик ҳисобланган.

Меҳмон иззатланиб, уйнинг тўрига ўтказилган ва тагига янги тўшаклар тўшалган. Таом сузилиши олдидан меҳмонни безовта қилмаслик учун дашнобда қўл ювиш таклиф қилинган. Қўл ювдиришнинг ўз қоидалари бўлган: сув қу[illegible] ўнг қўли билан обдастанинг [illegible]ни, чап қўли билан жўмраги у[illegible]н ушлаб, эгилиб уч марта сув қуйган. Шунинг учун уч мартаки, қўл тоза бўлиши керак. Сўнг елкадаги сочиқ узатилган. Қўл ювувчи ҳам, сув қуювчи ҳам «махсус қоида» сўзларини айтиб туришган...

Никоҳ тўйи билан боғлиқ турли-туман удумларни адо этиб бўлгандан сўнг келиннинг одоб-ахлоқи билан боғлиқ бўлган ажойиб одатларимиз бор. Келиннинг саҳар-мардондан туриб ҳовли супуриши, нонушта тайёрлаши, эри, қайнона, қайнотасига бир пиёла иссиқ чой қуйиб узатиши, куёв яқинларининг номини айтиб чақирмаслиги, оиланинг ёш аъзоларига алоҳида илтифот кўрсатиши, биринчи фарзанди туғилгунича «камгап» бўлиб юриши, умуман келиннинг шарм-ҳаёси билан боғлиқ ахлоқ-одоб қоидаларида бир неча тонна маънавий тарбиявий қадриятлар мужассамланганлигини қадрламай қўйдик! Ҳатто уларнинг кўпчилигини «эскилик сарқити» дея қораладик. Қанийди, мана шу «эскилик сарқитлари» ҳозир амалда бўлса?! Ишончим комилки, ҳар кунги минглаб қайнона-келин «жанг»лари, қўйди-чиқдиларнинг гулхани сўнган бўларди.

Ўзбек халқ удумларида инсон қалбининг сарчашмалари — қадриятлар ҳаётий-зоҳирий зарурат мақомига эга. Удумлар одамларни маънавий-ахлоқий, эстетик, жисмоний камолотга етказиш мақсадга бўйсундирилган. Муомала ва мулоқот маданияти билан боғлиқ одоб ва ахлоқ қоидаларини олиб кўрайлик. Уйда, кўчада, ишда, жамоат тўпланадиган жойларда, издиҳомларда баланд овозда сўзлашиш, бўлар-бўлмасга шарақлаб кулиш, беандиша ҳазил-мутойиба одобсизлик ҳисобланган. «Ўтган кунлар»даги Юсуфбек Ҳожининг оилада, жамоат орасида, хон ҳузурида ўзини тутишига — нозик ҳатти-ҳаракати, гап-сўзлари, муомаласига эътибор берганмисиз? Унинг нуроний сиймосида хушмуомалалик инсонга зарур фазилат, ҳусн эканлигини кўрамиз. Юсуфбек Ҳожи образида ўзбек оилаларида фарзанд тарбияси, гарчи бу ажойиб анъанада ота-она бир хил масъул бўлса-да, аммо Ота шахсининг нақадар улуғланганини кўрамиз. Зотан, ўзбек оилаларида Ота уйнинг тўрида ўтирган. Ота — ҳал қилувчи гапни айтган. Ота ўтирган уйга фарзанднинг бостириб кириши таъқиқланган. Ота фарзанд йўлга отланганда оқ фотиҳа берган. Ота билан фарзанднинг бир идишда таом ейиши одоб доирасига кирмаган. Оила бошига тушадиган ҳар қандай ташвиш хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, жавобгарликни ота ўз зиммасига олган. Оталар сўзи — ақлнинг кўзи, деган ҳикматга ҳамма амал қилган.

Энди дўппини ёнга қўйиб, ўйлаб кўрайлик! Хўш, бу одоб-ахлоқ қоидаларининг, удумларнинг қайси бири ёқмади сизга? Одам қадр-қимматини кўкларга кўтарадиган, эъзозлайдиган, боболаримиз асрлар қаъридан олиб ўтган бу удумлар, одатлар, одоб-ахлоқ қоидаларига биз бугунги кунда қандай риоя қилаяпмиз? Оилада, мактабда, жамоат идораларида хушмуомалалик, хуштавозелик, меҳмоннавозлик... каби одатларимизни болаларимизга ўргатаяпмизми? Аксинча, қайнона-келин, эр-хотин, ота-бола, қўни-қўшни, қавму-қариндош, дўст-биродар, бошлиқ-хизматкор ўртасидаги анъанавий одоб-ахлоқ қоидаларини амалда қўлламадик, қадимий халқ удумлари ва маросимларининг ижобий томонларини тарғиб қилмадик, улар ҳақида китоблар нашр этмадик. Афсуски, анъаналарнинг баъзилари даҳрийлар томонидан «илоҳий», баъзилари «миллий қусур» деб эълон қилинган. Бадиий ва санъат асарлари — театр, кино, матбуот, радио, телевидение эса ана шу «миллий қусурлар»ни фош этиш билан овора! «Коммунистик тарбия методикаси» йўналишидаги тарбия усулларида қуйидаги манзара: кинoларда одамлар бақириб-чақириб гаплашадилар, тоғларда қизиллар билан босмачилар отишадилар, шўро аскарлари немис-фашистларини қувиб юрадилар, бомба, снарядлар портлашидан юраклар ларзага келади, қулоқлар батанг бўлади... Оқлар билан инқилобчиларнинг тасур-тасур жанглари, инқилоб ғояларини бақириб тушунтиришлар, чўққабоқарлар, молбоқарларнинг балчиқ кечиб «коммунизм қуриш йўлидаги» фидойиликлари, қароқчи, ўғри «рекет»ларнинг жиноий «жасорат»лари, эр-хотин жанжаллари, янги замонда бахт топган йигит-қизларнинг беҳаёларча севги саргузаштлари, сексуал видеолентлар... хуллас, жамиятга тап-тайёр жиноятчилар тайёрлаб бераяпмиз, холос!!!

Бир-биридан ранжиган қўшнилар, устоз-шогирдлар, қавму-қариндошлар юз кўришмас бўлиб кетмоқдалар! Бу инсоний қадриятларнинг оёқ ости қилиниши оқибатидир! Ҳашар анъанаси қадрсизланди: мактаб ўқувчиларини, қурувчиларни, олимларни, боғча тарбиячиларини пичан ўришга, пилла теришга, узум узишга, ғўза яганасига, пахта теришга, қўйингчи, юзлаб «иш»ларга ахлоқсизларча жалб қилиш бу муқаддас анъананинг қадрсизланишига олиб келди. Ҳашар ва шанбаликлар туфайли бир-биридан меҳри совиган қўни-қўшнилар, ҳамқишлоқлар, ҳаммаҳаллалар ихтиёрий равишда уй қуриш, том суваш, кўкаламлаштириш, ариқ қазиш, сабзи тўғраш... каби ҳашарларга чиқмай қўйдилар!... Е, алҳазар!!!

Ҳар бир халқнинг куй-қўшиқларида, мусиқасида уларнинг руҳий олами — ҳис-туйғулари, кечинмалари товушлар оҳанги акс этади. Ўзбек миллий қўшиқларининг гултожи — Алла! Онамизнинг бешигимиз тепасида айтган «Алла»си бу ёруғ дунёдаги эшитган қўшиқларимизнинг энг муқаддасидир! Хонанда ижро этган «Алла» онам айтган «Алла»га ҳеч ўхшамайди! Алла — оналаримиз дил рози, орзу-армонлари, тилаклари ва тақдирга шукроналаридир! Алла — замондан озор чеккан дилни, хун бўлган кўнгилни фарзанд қувончи билан овутишдир. Алла — бешик тепасида якка ҳолда ижро этилади. Алла айтиш ўз-ўзи билан гаплашгандек гап. Ҳозирги болаларнинг «Алла» эшитмай вояга етаётганларидан афсусдамиз! Олий ўқув юрти талаба қизлари «Алла» айтишни билмасликларини уялиб изҳор этишди. «Алла» айтиш боланинг қулоғига азон айттиришдек таъқиқланган бўлмаса-да, негадир унутилди. Тўғрироғи, гўзал қўшиғимиз «Алла»ни ҳам «оёқни қийшиқ ўстирадиган» бешикка қўшиб кўчага улоқтирдик. «Алла» эшитмай ўсаяпмиз, буёғи нима бўлади, билмадим.

Аёлларимиз «Алла» айтишга эҳтиёж сезадиларми? Халқ орасида кенг тарқалган, асрлар давомида куйлаб келинган «Алла»ларни мазмунан бойитиш, янгиларини ижод ва ижро этишга истеъдодлари етадими? Уларнинг «Алла» айтишга иштиёқи, муносабати борми? Менимча, ҳозирги аёллар чин маънода «Алла» айтолмайдилар. Чунки, улар «Алла» эшитмай она бўлдилар, онги ва шуурида, қалбида миллий руҳият, маънавият чечаклари сўлиган!... Бир мулоҳаза: қадимдан қизларни келинликка тайёрлаш ёшлигидан бошланган. Уларга ҳар хил буюмлар тикиш, овқат тайёрлаш, рўзғор ишларини ораста бажариш, меҳмон кутишдаги расм-русумлар, жумладан қўшиқлар куйлаш, «Алла» айтиш, рақсга тушиш... сир-асрорлари эринмай ўргатилган. Бувилар, момолар ҳаёт бўсағасида турган қизларга нон пиширишдан тортиб кўрпа йиғишгача, сигир соғишдан тортиб кашта тикишгача, кир ювишдан тортиб бола боқишгача ўргатишган. Ҳозирчи? Бу юмушларни ўргатадиган «одам» йўқ, вақт йўқ!

Кийинишдаги миллий таъб, дид, орасталик либосларга бўлган муносабатларимизда яққол кўринади. Ўзбек миллий либослари иқлим шароитига мослиги, мавсумбоплигидан ташқари анъаналар ва маросимларни, турфа рангларни ўзида намоён қилиши билан ҳам миллий руҳиятни—қиёфани ифодалайди. Либослар моддий маданиятнинг муҳим бўлаги сифатида халқимизнинг эстетик диди, таъби, дунёқараши, турмуш даражасини ҳам кўрсатади. Либослар халқ амалий санъатининг дурдоналари сифатида ҳам, халқ урф-одатлари, расм-русумлари, удумларини ифодаловчи манбалар сифатида ҳам қадрлидир!

Миллий кийимлар «паранжи-чачвон»дан иборат эмас эди. «Юз очиш» мавсумида — қатағон йилларда «паранжи-чачвон» билан қўшиб миллий либосларимизнинг жуда кўп турларини оловда куйдирдик. Анъаналар, урф-одатларга бўлган лоқайдлигимиз либосларга бўлган муносабатимизда ҳам аён бўлди. Момоларимизнинг, буваларимизнинг кийим-кечаклари қандай эди? Уларни биламизми? Дўппи, чопондан бошқа ҳам миллий либосларимиз бормиди? Момоларимиз, келинларимизнинг чиройини, ҳуснини офтоб қадар очиб юборувчи миллий тақинчоқларнинг номини ҳам билмаймиз! Аёлнинг аёл, эркакнинг эркак эканлигини — шарм-ҳаёсини, қадр-қимматини англатиб турувчи ўзига хос, бетакрор кийим-кечакларимизни унутдик — миллий қиёфани унутдик! Тириклик дарахтининг илдизлари бўлмиш анъаналар ва урф-одатларга мос кийим-кечаклар, минг қуроқли ёстиқ жилдлари, дастурхонлар, кашталар, сўзаналар, дўппилар, чопонлар... ҳамма-ҳаммасига лоқайд бўлиб қолдик!

Сингилларимизнинг қулочдек сочларини кесиб ташлаб, йигитлар қиёфасига киргани-чи? Машҳур қўшиқчимиз Шерали Жўраев эса «Соч эмас у, шаршара... шаршара...» деб давраларда куйлаб юрибди. Ҳеч ким ўйлаб кўрмайди: қани ўша „шаршараларга ўхшаган тақимга урар ўрим-ўрим сочлар...

Эсимда, 60-йилларнинг охирида ТошДУда талабалик йилларимизда файласуф муаллимларимиздан бири дарсга қора чопон кийиб келдилар. Ҳамма ҳайрон: ўтган ҳам, қайтган ҳам у кишига қарайди. Дарсда домламизнинг чопон кийиб келганлари сабабини қимтиниб сўрадик. У киши энг яқин кишилари вафот этгани, марҳум ҳурмати учун чопон кийиб келганларини айтдилар. Ўринсиз саволимиздан мулзам бўлдик. Домламиз бир ҳафта чопон кийиб юрдилар... У кишининг бу «ножоиз қилиғи» дорилфунун парткомида «сиёсий зийраклик» билан муҳокама қилиниб, домлага ҳайфсан берибдилар.

Ҳозир ҳам мактабга, институтга, хизмат идорасига талаба, муаллим ё хизматчи юрак ютиб чопон кийиб борса, ишончим комилки, партком ё комсомолда муҳокама қилинмаса-да, албатта, дашном беришади, калака қилувчилар ҳам топилади: бу ер институт, идора, мактаб... чопон чойхонага, жанозага кийилсагина айб қилишмайди. Менимча, ҳамма жойда, ҳатто Кремлда дўппи кийиб ўтириш мумкин бўлганидек, чопон кийиб юриш ҳам айбситилмаслиги, калака қилинмаслиги, дашном берилмаслиги, бунинг учун қадриятларни ҳурмат қиладиган маънавий камолатга эришишимиз керак!

Бир суҳбатда олимларимиздан бири дўппи ўзбекларнинг шаҳодатномаси, деб қолдилар. Қадимда нотаниш меҳмонни «Сиз қаерликсиз?» деб суриштириб ўтирмаганлар. Меҳмоннинг бошдаги дўпписи ё қалпоғига қараб Тошкент, Андижон, Марғилон, Наманган, Ўш, Фарғона, Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Хоразм томонларнинг одами эканини дарров пайқашган... Дўппи — бош кийим сифатида ҳам, миллий ифтихор рамзи сифатида ҳам ғоят қадрланади. Дўппи куёвлик аломати, йигитлик аломати, инсонлик аломати, миллий фахр, ғурур аломати, деб ҳайқиргим келади... Ўзбек миллий либослари чопон ва дўппидан иборат эмас, улар жуда кўп... Ҳозирданоқ ҳаммамиз дўппи, чопон кийишга ўтайлик, деган фикрдан йироқман. Аммо Гуржистонда қадимият обидаларига даҳлдор бўлса отнинг тақасини ҳам эъзозлашар, асрашар экан. Гуржилар миллий фахр, ғурур учун ўзгаларнинг тамакисини чекмайдилар, виносини ичмайдилар, деб эшитганман. Қанийди, ўзбекларда ҳам миллий фахр, ғурур туйғулари қадрланса, миллий-руҳий қиёфа тиниқлашса, деган орзудаман!.. Оппоқ соқолли қарияларнинг нуроний сиймоси, бу сиймога гўзаллик бахш этган бошдаги оппоқ салла ёки дўппи, эгнидаги чопон ёки чакмон, оёқдаги ялтиллаган ковуш-маҳси — либоси ёшига ярашган нақадар гўзал нуроний сиймо! Ўзингни тепасини, ён бағирларини оппоқ қор қоплаган оппоқ чўққи, қоя олдида тургандек ҳис қиласан, киши. Қояда ҳамиша қор бор. Қор қояга улуғворлик, гўзаллик бахш этади. Қариянинг улуғворлиги унинг оппоқ соч-соқолида эмас, соч-соқолга мос тушган унинг либосида! Шунинг учун айтадиларки: одамга либос, эшакка эса тўқим... Ҳозирги қарияларимизни қояга хос улуғворлик бағишловчи миллий либослар кийиш, фақат ўгит-насиҳатлари билан эмас, кийим кийишдаги орасталиклари, улуғвор кўринишлари билан ҳам ёшларга ўрнак бўлишларини жуда-жуда истайман! Афсус,баъзи кекса кишиларнинг пивохоналарда ғижимланган шляпа кийиб юришлари одамнинг кўзига хунук кўринади...

Энг даҳшатлиси шуки, халқ асрлар давомида ўйнаб-кулган, ҳурсандчилик қилган, табиат ҳодисалари, ўзгаришлари билан боғлиқ анъаналар, байрамларни 60-йилларнинг бошларигача ўтказиш у ёқда турсин, тилга олиш қатағон қилинди. Инқилобдан сўнг «Наврўз» изи билан йўқ бўлиб кетди. «Наврўз» байрамини тарғибот қилиш учун расмий матбуотга 1971 йил рухсат этилди. Жумҳуриятимизда илк бор 1971 йил Тошкентдаги комсомол боғида ўтказилган «Наврўз»ни зиёлилар яхши эслашади.

Дам олиш, ҳордиқ чиқариш билан боғлиқ бўлган анъаналар — дала сайллари, Гули Сурх, Қўшчи оши, «дарвеш она», гап-гаштаклар, харифона, зиёфат қорхатларга эътибор сусайди. Суннат тўй, бешик тўй, соч тўйи, ҳовли тўйлари яширинча ўтказилди. Бу йиғинларда пишириладиган овқатлар баъзи ҳолларда даҳрийлар томонидан тўкиб ташланди, минг йиллардан бери қайнаб келган қора қозонлар чаппа ағдарилди, тўнтарилди. Меҳнат ва ҳосилга бағишланган анъаналар — қовунхўрлик, тутхўрлик, анорхўрлик, узумхўрлик...нинг юзи хира тортди...

III

Руҳи мажруҳ нокасларни кўрсам,
не қилдим,
Ўз тинчимни ўйлаб нари
қочганман баттар.
Улар эса бамисоли қутурган
итдай,
Руҳимизга солар эди ғулу,
қатағон.
Ожизларни талар эди бижғиган
битдай.
Бир пул бўлиб қолар эди номус,
ор, виждон.

Эй руҳ, нега тушкунсан, деб сўрайман ўзимдан ўзим.

— Эй гумроҳ, эътиқодни йўқотдингку, дейди у инграб...

Ўша йили баҳор яхши келган эди. Одамлар қаҳратон қишдан ниҳоятда зериккан, баҳорни соғинишганди. Қишда қор кўп ёққан, кўпчиган ердан ҳовур кўтариларди. Табиат бу йил мўл ҳосил бўлишидан дарак берарди. Қир-адирларда тўқ сариқ бойчечаклар гилам-гилам бўлиб тўшалиб ётарди... Беҳосдан бошланган иссиқдан ўт-ўланлар, бойчечаклар, лолақизғалдоқлар сўлиб қолди... Ўша йилнинг саратон жазирамаси ҳосил гулини тўкиб кетди. Кузда одамлар ҳосил чўғи камлигидан ғоят ҳавотирда қишга кирдилар. Қиш эрта тушди...

Эрта баҳорда бойчечаклар биринчи бўлиб ердан бош кўтаради. Бойчечаклар ғоят нозиклиги, нафислиги, майин ва мулойим кўриниши билан ҳам одамни ўзига ром этади. Мурғак болаларни эрта баҳорга, уларнинг беғубор қалбини бойчечакларга менгзайдилар! Бойчечаклар баҳор фаслининг даракчилари бўлса, мурғак болалар ва уларнинг беғубор, оппоқ қалби табиатнинг жамиятга, одамларга Ҳақиқат, Адолат, Яхшилик, Эзгулик, Гўзаллик, Поклик, Ишонч, Эътиқод... каби мумтоз қадриятларни барқарор этиш учун ҳадя қилган зўр инъомидир!

Инқилоб юртининг баҳори яхши келган эди, аммо ёзи, кузи мақтанарли бўлмади. Инқилоб баҳорининг тўқ сариқ чечаклари гуркираб очилган эди, улар ёзга етмай сўлиб қолди. Инқилоб туфайли одамлар ва болалар қалбида мумтоз қадриятлар куртак очган эди, улар ҳам парвариш кўрмай сўлиб қолди. Боғбонларга ёлчимадик...

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ушбу лутфи ғоят ҳаққоний:

Шу кунларда одамлар юзида бир-бирига меҳрдан кўра нафрат, аламзадалик кўпроқ. Ҳар бир одам портлашга тайёр турган порохли идишга ўхшайди... Одатда, юрагингдаги дардларингни тўксанг, енгил тортишинг керак. Дунёда энг ёмон дард ичга, юракка ҳайдалган дарддир. Шу жиҳатдан олиб қаралса, одамлар дардларини айтиб, енгил тортиб юришлари керак эди. Лекин мен уларда ана шу енгилликни, руҳий ҳурриятни кўрмаяпман. Улар фиғонлари фалакка чиқиб гапиришади. Учрашувларда аламли саволлар, аламли гапларни эшитиб, эзилиб кетасан, киши. Менингча, сабаби: ошкоралик халқнинг кўзини очди. Бугун етуклик ёшига етганлар ўзларининг онгли ҳаётларини ёлғонга бағишлаганликларини, саробга эътиқод қилиб яшаганликларини англадилар... СССР Конституциясининг 52-моддасида фуқаронинг виждон эркинлиги, яъни истаган динга сиғиниш ёки сиғинмаслиги, диний маросимлар ўтказиши ёки ғайридиний ташвиқот юритиши мумкинлиги айтилади. Аслида бу қонун ҳаётга чала ярим татбиқ этиб келинди. Ғайридиний ташвиқот шу даражаға бордики, аҳлоқий қадриятларнинг ҳаммаси «дин қобиғида» деб эълон қилинди. Етмиш икки йиллик фақат тазйиқдан иборат тасир-тусур — бу даҳрийликни тарих кечирмаса керак! Диний маросимларга қарши кураш баҳонасида халқнинг минг йиллик анъаналари, байрамлари инкор этилди, «диндорлар» тамғаси билан қанчадан-қанча бегуноҳ кишилар қамоққа ташланди.

Виждон ҳақида Қонун қабул қилинишидан умидвормиз! Яқинда «Комсомольская правда» газетасида Москва шаҳрида 4 та диний мактаб очилгани, сабоқ жараёни ҳақида ёзилган хабарномани ўқиб қолдим. Бу тажрибани Тошкентда ҳам синаб кўрсак бўлмасмикан? Тошкентдаги араб тили, ҳинд тили, форс тили йўналишидаги мактабларда ўқиш учун минглаб болалар навбатда туришади-ю, диний мактаб очилса, билмадим, болалар сони қанча бўларкин!..

Боболаримизнинг айтишларича, илгари меҳмонхоналарда, чойхоналарда, хонаки ўтиришларда хамсахонлик, бедилхонлик, машрабхонлик, латифагўйлик, аскиябозлик бўлган, «Шоҳнома», «Абу Муслим», «Иброҳим Аҳтам», «Бобо Равшан», «Алпомиш», «Гўрўғли» каби достонлар тунги гурунгларга файз киритган. Давраларда аёллар, ўсмирлар, болалар ҳам қатнашганлар. 30-йилларга келиб бу гурунглар барҳам топди. Бундай гурунгларда китоб ўқувчиларни —«кўзи очиқ»ларни қатағон қилишга киришилди... Одамлар эмас, китоблар ҳам «қатл» этилди — оловда ёндирилди, сувга оқизилди, ўраларга кўмилди, том деворлари, синчлар орасига қўшиб сувалди... Араб ёзувида битилган китоблар ўқилган давралар туя жунидай тўзғитилиб, даврадошлар «сибирь» қилинди. Гурланликлар мана бу мудҳиш воқеани айтиб беришган эди: Беговул қишлоғида илм-маърифатли, яхши фазилатли, қишлоқ аёлларини ўқитиб саводини чиқарган Бибижон Исмоилова деган саксон яшар момо диний китоблар ўқишда ва тарғиб қилишда айбланиб қамоққа олинган. Ўша кечаси қузғунлар бостириб киришганда бу табаррук момо ўзининг севимли китоби «Ахлоқи Муҳсиний» («Яхши хулқлар») деган китобини ўқиб ўтирган. Бу китоб инсоний вазилатлар — одоб ва ахлоқ ҳақида эди. Момо қамоқда оғир аҳволда вафот этади... Бибижон момога ўхшаган минглаб маърифатли, зиёли момоларимиз, боболаримиз бекордан-бекорга азоб-уқубатларга мубтало этилди-я!..


Қадриятлар ҳақида сўзлаганда ҳамма гапни Сталинга тўнкаймизу, даҳрийлар «армияси»ни, Брежневни, Конституцияни четлаб ўтаяпмиз. Мана бу воқеа 80-йилларнинг бошида Яккабоғда содир бўлди. Шавкат деган йигит ҳарбий хизматдан қайтиб тўрт йил институтга киролмади. Хўрлик ва аламга чидай олмай, масжидга борди. Яхши одамларга дуч келиб, Қуръонни ёд олди. Қироатдан завқланган қўшниларнинг болалари тунлари яширинча сабоқ ола бошладилар. Бундан хабар топган даҳрий қўшни ДХКга ёзиб берди. «Диндор» уч йилга озодликдан маҳрум қилинди. Судда қўшни болалар устозларининг бегуноҳлигини айтиб зор-зор йиғладилар, инобатга олишмади. Институтга киролмай маънавий майиб бўлган Шавкат иккинчи марта қамоқдан майиб бўлиб қайтди... Бугунги ошкоралик замонида бу гаплар нақадар кулгили эканлигини англаяпсизларми? 30-йиллардаги гурланлик 80 яшар момомиз Бибижон Исмоилова (гўрингиз нурга тўлсин, жойингиз жаннатда бўлсин, моможон) мудҳиш қисмати билан 80-йиллардаги 30 яшар Шавкатнинг аччиқ тақдирининг нима фарқи бор! Нималар қилиб қўйдик, ўзи?! Намунча кўп гуноҳ орттирмасак! Бегуноҳ одамларга қилган ситамларимиз, гуноҳларимизни қачон, қандай қилиб ювамиз! Имонсиз бандалар, динсизлар шафоатга лойиқ эмас, дейишади шайхлар! Бу дунёда-ку савобдан кўра гуноҳни кўп қилиб, бегуноҳ заволига қолиб номимиз бадном бўлувди, у дунёмизни ҳам куйдирибмиз-да!... Даҳрийлар, осмонда худо йўқ, расуллар, азиз-авлиёлар фирибгар, деб жаврадилар, ишондик! Бугун телевизордан руҳий «даъват»лар тинглаяпмиз! «Доно» нотиқлар «Коммунизм қурамиз!» деб жаврадилар, ишондик! Бугун социализм ҳам қурганимиз йўқ, ҳатто инқилоб ҳам бевақт қилинган дейишмоқда!.. «Ўн бештамиз қўшилдик, тенгмиз, дўстмиз, қон-қардошмиз, биродармиз!» деб эшелон-эшелон китоблар ёздилар, ўқидик, ишондик. Бугунга келиб «ажраламиз» дейишмоқда! Озарлар билан арманлар, гуржилар билан абхазлар, ўзбеклар билан турклар, «жанжали» тинчимаяпти, миллий муносабатлар «гулхани» ловуллаяпти! Иқтисоднинг ўзига ўхшаган мураккаб жумбоқлари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади!..

Икки хил манзара: ҳудди Қорақум ва Қизилқум саҳросига ўхшайди. Иккиси ҳам бўм-бўш саҳро! Бир томчи сув йўқ! Сиғингани мозор йўқ! Икки саҳрода дарбадар кезмоқдамиз: бир-биримизнинг қачонлардир йўқотиб қўйган Виждонимизни, Яхшилигимизни, Меҳр-муҳаббатимизни, Эътиқодимизни, Ишончимизни, Бахтимизни, Бурчимизни, Гўзаллигимизни, Поклигимизни, Ҳалоллигимизни, Қадр-қимматимизни, Дўстлигимизни қидирмоқдамиз!!!

Икки бўм-бўш саҳро аро Яссавий бобом ҳикматларини дилга жо, тилда бурро этиб, кўзда селим билан дарбадар кезмоқдаман... Икки саҳро аро Аросатда тўхтаб ўз қалбим дарчасидан кенгликларга кўз солдим: қалбимнинг поёнсиз кенгликларида нор туянинг ўркачидай-ўркачидай икки қатор тепаликлар пайдо бўлибди: бир тараф тепаликларда Дўстлик, Яхшилик, Саховат, Адолат, Меҳр-муҳаббат, Раҳм-шафқат... ҳиди уфуриб турган арғувон гуллар чаманзори, бойчечаклар, қизғалдоқлар, кўзн-гуллар ЛОЛАЗОРИ... Иккинчи тарафдаги тепаликларда ўт-ўланлар қовжираб қолган: кўнгилга озор берган — Худбинлик, Мунофиқлик, Ёмонлик... қилиб тириклайин лаҳатга тушган ёлғончи биродарларнинг катта-кичик МОЗОРЛАРИ...

Икки саҳро аро Аросатда дарбадар кезмоқдаман. Е, умидли дунё! Ҳақиқат, Адолат... бормисан, дейман!.. Узоқлардан садо келади..

На жаннат бу, на дўзах бу,
Аросатдур, аросатдур
Ҳаводек бизга даркор не!
Фаросатдур, фаросатдур.
Сўрарман, ғамзада элнинг
Юрак дардига на чора!
Келур ғойибдин садо: ёлғиз
Адолатдур, адолатдур...


Наврўз... Баҳор... Келажак... Оламнинг гўзаллиги.

Суратчи Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

УДУМЛАР БЎЛСИН ПОЙДОР

Ижтимоий ҳурлик туфайли жумҳуриятимизда Наврўз қайта тикланди. Бу йилги Наврўзнинг гашти ўзгача. Табиатдаги жонланиш, покланиш каби ижтимоий ҳаётимизда ҳам тозаланиш рўй бермоқда, навдаларни ғунчалар безамоқда. Наврўз дилларда, тилларда эъзозланмоқда. Жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида, маҳаллаларда, меҳнат жамоалари, мактаб ва ўқув юртларида Наврўзга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Ҳамма Наврўзга ўз улуши билан келди.

Тошкент Халқ хўжалиги институти муаллимлари ва талабалари ҳам Наврўз байрамини хушнудлик билан кутиб олдилар. Бундан бир ой муқаддам институт қошидаги «Мунозара» ижтимоий-сиёсий клуби ташкилотчилари талабаларга «Халқ анъаналари ва урф-одатлари ҳақида нималар биласиз? Ота-боболаримиз Наврўз байрамини қандай нишонлаганлар? Наврўз таомлари қандай тайёрланади? Бу йилги Наврўзни қаерда ва қандай ўтказмоқчисиз?» деган саволлар ёзилган таклифнома тарқатдилар. Давра суҳбатида олимлар, шоирлар, санъаткорлар билан ошкора мулоқот ўтказиш режалаштирилди.

Институтда 19 март куни Наврўз тантаналари ана шу давра суҳбати билан бошланди. Мулоқотга Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият илмий методик маркази раҳбари Деҳқонбой Ҳусанов, шу идора ходими Жаббор Эшонқулов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси масъул котиби, ёзувчи Маматқул Ҳазратқулов, шоир ва публицист Ёқубжон Хўжамбердиев, институтнинг фалсафа ва маданият тарихи кафедраси мудири, профессор Йўлдош Жумабоев, доцентлардан Шоди Каримов, Юсуф Саттаров, Бекдавлат Алиев, Худойқул Тўраев ва бошқалар ташриф буюрдилар. Суҳбатларда Наврўз байрами тарихи, нуфузи, унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида сўз борди.

Институт муаллимлари ва талабалари, меҳмонлар 20 март куни кечқурун институт ҳовлисига тўпландилар. Карнай-сурнай садолари янграйди. Шарқона безатилган бир неча ўтов ичидаги сумалак дошқозонларига ўт қаланади. Бир-биридан чаққон зебо қизлар сумалак пиширишга киришадилар.

Ҳамма «Ассалом, Наврўз!» деган кечага таклиф қилинади. Яшил, ҳаво ранг-зангори, қизил-пушти, оқ матоларга Наврўзни мадҳ этувчи шеър ва рубоийлар, ҳикматли сўзлар битилган. Улар турли халқлар тилларида ёзилган. Ҳар бир факультет талабалари Наврўзга атаб деворий рўзномаларнинг махсус сонларини чиқарган. Талабалар ўз қўллари билан тайёрлаган байрам дастурхонидаги таомлар, ширинликлар, шарбатлар иштаҳани қитиқлайди.

Кечани олиб борувчи йиғилганларни Наврўз айёми билан қутлайди. Куй-қўшиқлар, рақслар, қарсаклар дилларга ором беради. Факультетлараро Наврўз рўзномалари, таомлар тайёрлаш бўйича кўрик-конкурс ҳакамлари Йўлдош Жумабоев, Отахўжа Баҳодиров, Ўлмасхон Жалолова ғолибларни эълон қиладилар. Иқтисодни режалаштириш, тижорат факультетлари талабалари биринчиликни қўлга киритадилар.

— Ёшим 50 га кириб, Наврўз байрамининг бундай шодиёналар билан ўтаётганини энди кўраяпман, — дейди байрам ташкилотчиларидан бири, байрам бошқарувчиси доцент Ғайрат Рафиқов. — Шукроналар бўлсинки, шундай кунларни кўриш бизга ҳам насиб этди. Бугун институтимиз жамоаси учун қўшалоқ байрам. Институтнинг энг кекса ўқитувчиларидан бири, иқтисод фанлари доктори, профессор Сайидаҳмад Ғуломов домламизнинг 80 ёшли тўйларини Наврўз байрами шодиёнасига қўшиб нишонлаяпмиз.

Сайидаҳмад домла 80 ёш тўйини Наврўз байрамига қўшиб нишонлаш учун институт ҳовлисида катта маърака қозон қурдилар. Қўй сўйилди, ош дамланди. Қадимий одатимизга кўра, ҳаммага тўй оши ва сумалак тарқатилди.

Байрам 21 март куни эрта тонгданоқ миллий урф-одатларимизга кўра, карнай ва сурнай садолари билан бошланди. Муаллимлар ва талабалар бир-бирларини Наврўз — Янги кун билан қутлайдилар. Хушовоз хонанда Ҳожиакбар Ҳамидов раҳбарлигидаги «Лирика» ансамблининг ашулачи ҳамда раққосалари куй ва қўшиқлар ижро этадилар.

Бир чеккада спорт турлари бўйича беллашувлар бошланади. Бақувват ва чапдаст йигитлар кураш чопонларини кийиб давра бўйлаб айланадилар. Институт ректори, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор С. С. Ғуломов ғолибларга институт касаба союз, партия ва комсомол ташкилотлари совринларини топширади.

Ҳамма хурсанд — юзларида табассум, лабларида кулгу. Наврўзнинг майин насими эсади. Шоир сўзлари диллардан тилларга кўчади.

Умидлар бўлсин пойдор,
Элимга эзгулик ёр,
Кўп дуоси омонёр —
Умрингга берсин тўзим
Кел, Наврўзим.

Арабали ТЎРАЕВ,
Отахўжа БАҲОДИРОВ.
фалсафа фанлари номзодлари.

Ҳамма иштирок этади

Наврўз байрами қишлоқларда ўзгача руҳда кутиб олинади. Байрам куни обрўли онахонлардан бири ўстирган сумалак кўки майдаланиб, янчилиб катта дошқозонларда қайнатилади. Бу ишда қишлоқнинг етти яшаридан етмиш ёшигача — барча иштирок этади.

Умумхалқ байрамини ота-боболаримиз ана шундай эъзозлаб нишонлашган. Наврўзни биз ҳам худди шу тарзда байрам қиладиган бўлдик. Миллий урф-одатларимизни қадрлаш, эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Сожида РАҲМАТОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти талабаси.




Суратларда: Тошкентда бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан лавҳалар.
Суратчи А. Кошнин. (ЎзТАГ).

Кичкинтойлар қувончи

Пойтахт Тошкент шаҳридаги 243-болалар боғчасида Наврўз айёми эсда қоладиган ҳолатда нишонланмоқда. Байрам махсус саҳналаштирилган «Сумалак сайли» билан бошланди. Шундан сўнг кичкинтойлар «Наврўз», «Баҳор келди», «Бинафша» шеърларини ёддан ўқишди. «Оқ теракми, кўк терак», «Сумалак» ўйинларининг амалий ижросини ҳам намойиш этишди.

Шу тадбир муносабати билан боғча тарбиявий ўқув программасига муҳим ўзгартиришлар киритилди. Бундан кейин болаларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашни чуқурлаштириш мақсадида, кичкинтойлар мунтазам равишда ўзбек халқининг каштачилик, наққошлик ва кулолчилик каби халқ амалий санъати билан таништирилиб бориладди. Ҳар бир гуруҳда миллий бурчак ташкил қилинади. Ўтилаётган машғулотларда ўзбек қадимий ривоят, эртакларига ҳам кенг ўрин берилади.

Малика ТУРСУНОВА.

Кўнгил баҳорни қўмсайди...

ТАБИАТ ҳаётимиз боқий бўлсин, у ҳар доим тантана қилаверсин, деб инсонни яратган. Шу боисдан одамлар ҳамма даврларда гўзал ҳаёт кечиришга, ҳис-туйғуларга ошно бўлишга интилганлар. Ўзбек композитори Рустам Абдуллаев оркестр билан фортепьяно учун яратган «Наврўз оҳанглари» деб аталган концерти худди ана шу умр боқийликни тараннум этувчи кайфият билан йўғрилган.

— Асарим халқ куйлари асосида яратилди, — дейди муаллиф. — Мен дала юмушлари бошланганлигидан далолат берувчи баҳор байрами сифатида асрлар қаъридан бизгача етиб келган Наврўз тарихини ифодаловчи асар ёзишни анчадан бери ўйлаб юрардим. Наврўз инсонга умид, ишонч ва орзу бағишлаган. Лекин кечираётган кунларинг учун завқланиш, орзу-умидлар қанотида парвоз қилиш, ҳаёт қувончларига шерик бўлишдек катта бахт тақиқланган даврлар ҳам бўлди. Тарих кўпгина ҳоқонлар Наврўзни тақиқлаб қўймоқчи бўлганликларидан шоҳидлик беради. Шу боисдан концертда ҳам қайғули, ҳам аянчли оҳанглар янграйди. У болалигимда менинг Ватаним — Хоразмда бахши шоирлардан эшитган кўҳна мақомларнинг оҳанглари билан йўғрилган. Шундай бўлсада, менинг концертим тантанавор оҳанглар билан бошланади. Ҳозир биз машаққат ва мушкулликларга тўла, олатасир воқеаларга бой даврда яшаётганимизга қарамай, одамларга баҳор ва меҳнатни, она замин ва яхшиликни улуғловчи кўтаринки қўшиқлар керак, деб ўйлайман.

Э. ТУХФАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Менга сўз беринг

ЎҒИЛЛАР АРМИЯГА КЕТИШЯПТИ...

Узоқ йиллардан бери армиямизда шахсни камситувчи ва жинояткорона таҳқирловчи шармандали «оқсоқоллик» («дедовшина») давом этиб келаётгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Уни тугатиш учун қилинган барча уринишлар ҳозирча самарасиз қолмоқда. Бу, балки, «оқсоқоллик» армиядаги умумий маънавий муҳитнинг таркибий бир қисми бўлгани учун ҳам шундайдир.

Бироқ яна ҳам хавфли томони шундаки бу «касаллик» миллий тус олмоқда. Армияда хизмат қилиб қайтаётганларнинг айтишига қараганда, янги чақирилганлар биринчи куниданоқ миллий тоифасига кўра «маҳаллий уюшма»ларга бирлашишга ҳаракат қилишади: «ўртаосиёликлар», «кавказликлар», «болтиқбўйиликлар». Маҳаллий уюшма сўзлари ҳам бутунлай бошқа маъно касб этади: зеро улар бир-бирларининг тилларини, маданиятларини, удумларини ўрганиш, тушуниш учун эмас, балки «оқсоқоллик»нинг шафқатсизлиги ва таҳқиридан ҳимояланиш учун тузилади. Табиийки, ўз навбатида уларнинг ўзлари ҳам худди шундай шафқатсизлик қилишга қодирлар...

Илгари ҳам янги чақирилганлар таҳқирлашларга чидай олмай бошларига тушган хўрликларни айтиб бериш учун ҳарбий қисмдан минглаб чақирим йўл босиб уйларига, Ўзбекистонга келганликлари бизга маълум эди. Калтаклашлардан госпиталда ўлганлар ҳам бўлган.

Аммо кейинги вақтларда биз гувоҳи бўлиб турган воқеалар хусусида алоҳида тўхталишга тўғри келади.

Бирон кишини айблашга ҳаққимиз йўқ. Фарғона фожиалари учун ўзбеклардан гўё қасос олаётган турк миллатига мансуб аскарларни ҳам, ёхуд жумҳуриятимизда ўзбек тили давлат тили бўлгани учун гўё ўзбекларни жазолаётган «Память» («Хотира») жамияти аъзоларини ҳам айблай олмаймиз.

Лекин биз ўзбек оилаларининг ҳовлиларида, чойхоналарда, норасмийларнинг йиғинларида нималар тўғрисида ташвиш билан гапираётганларини яхши биламиз. Аҳоли ҳаяжонда, олдинда эса армияга навбатдаги баҳорги чақириқ. Ўзбек, худди шунингдек, бошқа миллатдаги жангчиларнинг жумҳуриятдан ташқарида шаъни, қадри ва ҳаёти ҳимоя қилинмаяпти деган баҳоналар билан ҳукуматдан миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш тўғрисидаги талаблар ҳам эшитилмоқда.

Биз миллатлараро низолар авж олган бир пайтда бундай кескин чоралар кўрилишини ёқламаймиз. СССР Мудофаа нозирлиги сингари биз ҳам армиянинг бирлиги ва обрўсини ошириш тарафдоримиз. Шунинг учун ҳам қатор фактларни тафтиш этишни талаб қиламиз. Ҳаммаси ҳуқуқий жамиятдагидек бўлсин. Жиноятларнинг айбдорлари топилса, ошкора ва очиқ-ойдин судга берилсин, топилмаса бутун халққа тушунтирилсин. Бу кескинликни юмшатади, оналарни, қолаверса жумҳуриятимиз жамоатчилигини тинчлантиради. Бурҳон Абдураҳмонов Ленинскда, Қизил Ўрда вилоятида хизмат қиларди. 1989 йил 22 августда унинг Фарғона вилоятининг Янги қишлоғида яшовчи ота-онаси командирдан қуйидаги телеграммани олишди: «Сизнинг ўғлингиз Абдураҳмонов Бурҳон Баҳромович касал бўлиб ўлди». Ота-онанинг ғам-андуҳини тушунса бўлади. Уларнинг қалбини яна бир савол ҳам ўртайди: нима учун қўмондонлик ўғилларининг касаллиги ҳақида илгарироқ хабар бермади, балки унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлармиди...

Абдураҳмонов армияга чақирилган Фрунзе ноҳияси ҳарбий комиссари ҳалок бўлганнинг жасадини қишлоққа жўнатишда кўмаклашишни сўраб телеграмма юборди. Бироқ жавоб келмади. Фақат Бурҳоннинг ота-онаси жумҳурият ҳарбий комиссарига қайта-қайта мурожаат қилгандан кейингина ҳарбий хизматчининг мурдаси йўриқномада кўрсатилганидек, кузатувчи билан жўнатилишини маълум қилишди.

Аммо Бурҳоннинг ота-онаси ўғилларининг жасади Тошкентдаги станцияга почта-юк поездида, кузатувчисиз оддий юк каби келганини билганларида қай аҳволга тушганларини тасаввур қилиш қийин эмас. «Юк»ка қоидага биноан ёрлиқ ҳам ёпиштирилганди.

Ўттиз биринчи августда Фрунзе ноҳия ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари М. Назиров, ноҳия уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси Ю. Йўлдошев, ноҳия ҳарбий комиссари Ю. Бабич, ҳарбий комиссариат бўлими бошлиғи Н. Зарочинцев, қишлоқ шўроси раиси М. Сулаймонов ва норасмий ташкилотлар вакиллари иштирокида Абдураҳмонов жасади солинган тобут очилди ва диққат билан текширилиб кўрилди. Кишини ўйлантириб қўядиган қатор саволлар пайдо бўлди, уларнинг бир қисми ҳарбий хизматчилар Ю. Бабич ва Н. Зарочинцев имзо чеккан актда ҳам ўз аксини топди.

Ҳалок бўлганнинг мурдаси госпитал ўликхонасида ўн икки кун ушлаб турилишининг сабаби нимада? Жасадни ота-онага кузатувчисиз, оддий юк сингари жўнатиш ҳақида ким буйруқ берган? Актда Фарғона вилоятидан армияга чақирилган ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларга нисбатан бундай, юмшоқ қилиб айтганда, масъулиятсизлик биринчи марта бўлмаётгани қайд этилди.

Лекин актни имзолаганларнинг асосий хулосаси қуйидагича эди: мурдадаги жароҳатлар ва бош, кўкрагидаги ўқ излари ҳарбий хизматчи Бурҳон Абдураҳмонов командирнинг телеграммасида айтилганидек, касалдан ўлмаган, балки ўлдирилган...

Биз 1989 йилнинг июлида армияга чақирилган ва Байкалорти ҳарбий мавзесида борйўғи икки ойгина хизмат қилган Комил Жалолов билан ҳам нима бўлганлигини батафсил айтиб беришимиз мумкин. Унинг, шунингдек оддий аскар Муҳиддин Бойхонов, Красноводскда хизмат қилган Баҳриёр Қодиров, Насимжон Жабборов, Тўлибой Қўшмуродов ва бошқаларнинг сирли ўлими фикримизча чуқур ва атрофлича тафтиш қилиниши лозим.

Ана шу ўзбек йигитлари хизмат қилган ҳарбий қисмларнинг командирлари ҳалок бўлганларнинг ота-оналарига юборган телеграммаларида ўз қўл остидагиларнинг ўлимларини касалланиш ёки ўз жонига ўзи қасд қилиш билан изоҳлайдилар. Бироқ ота-оналар бундай бир қолипдаги жавоблардан қониқмаяптилар ва яна қайта-қайта турли даражадаги ҳарбийларга мурожаат қилиб, ўғилларининг ўлимига нима сабаб бўлганлигини аниқ билишга интилишмоқда. Адолат қарор топишини исташяпти...

Халқимиз ҳамон Ватан учун жангда ўлдирилганларни шарафловчи ва аксинча қотилнинг орқадан ўқ узиб ўлдиришини лаънатловчи «Ўлдирилган ўғилларга йиғи» қўшиғини куйламоқда...

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР халқ депутати.

Темур ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
(«Огонёк» журналининг 1990 йил 10-сонидан).

(Газетамизнинг навбатдаги сони 24 мартда чиқади).

ТВ

23 МАРТ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 Ангрен шаҳар болалар ҳаваскорлик цирк коллективининг чиқиши. 12.10 «Червнки яқинидаги хуторда». Телефильм. 12.40 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм

* * *

17.30 «Абдулла Қаҳҳор». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қуённикида ҳовли тўйи», «Қувиш». Мультфильмлар. 18.30 «Ҳуқуқ бизнинг ҳаётимизда». Ҳуқуқий умумтаълимни ташкил этиш. 19.00 «Деҳқон юмушлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Унутилмас сатрлар». Фурқат. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Камолот сари». Салоҳиддин Лутфуллаев, Гавҳар Аминова. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Одобнома». 22.15 «Гаровга олинган бек». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 23.30 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Қоялар чорлайди». Телефильм. 19.30 «Юлька». Бадиий фильм (Одесса киностудияси). 20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Юмушларимиз доираси».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Контакт». Телетомошабинларнинг саволларига олий ўқув юртларининг раҳбарлари жавоб берадилар.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Малика-қурбақа». Мультфильм. 9.35 «Йил фасллари». Март. 10.35 «Ўтмиш ҳали олдинда». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.05 «Россия» рақс ансамблининг концерти. 11.45 «Мариам ва Тадеуш». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.05 Владимир Познер «Донахью ва болалар» программасини таништиради. 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 «Ҳаётга қайтганлар». Ҳужжатли фильм. 14.00 «Шаҳрим куйи». Фильм-концерт («Экран»). 14.30 «Ўйин». Бутуниттифоқ «Орленок» ҳарбий-ватанпарварлик ўйини ҳақида ҳужжатли фильм.

* * *

17.00 Г. Веревка номли Давлат хизмат кўрсатган украин академик халқ хори иштирокида фильм-концерт премьераси. 17.40 «Қувноқ стартлар». 18.25 «Қатъий режим зонасида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ҳарбий-денгиз флотида қайта қуриш зарурияти тўғрисида (Мурманск). 18.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Мультфильмлар: «Инжиғойим», «Типратикан қандай қилиб пўстини алмашди». 20.00 Сиёсий мулоқотлар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини муҳокама қиламиз. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.30 «Нигоҳ».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!». Киножурнал. 187 ва 189-сонлари. 9.35, 10.35 Мусиқа. 3-синф. Э. Григ. «Пер Гюнт». 10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 География. 6-синф. Оби ҳаво. 12.05 «Онам, дадам ва мен». 13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бонивур қалби». 4-серия. 14.00 «Кишиларга қувонч бағишлаб». Помидор етиштиришнинг янги усуллари ҳақида телеочерк. 14.10 Болалар учун фильм. «Инглиз тилидан таржима» («Экран»).

* * *

17.30 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси, Ўзбекистон телевидениесининг программаси. Тошкентдан кўрсатилади. 18.20 Доғистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Пашша-ойпошша».

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04156 Д — 23202.

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.